БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 151 (17.731). • 1 июль 1980 йил, сешанба • Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕК ТИЛИДА

«Ўзбекистон» нашриёти В. И. Ленин 55 томли Тўла асарлар тўпламининг 51-томини ўзбек тилида босиб чиқарди.

Том Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти — КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг филиали томонидан босмага тайёрланди ва Тошкент полиграфия комбинатида чоп этилди. (ЎзТАГ).

КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ ЛЕНИНЧАСИГА КУТИБ ОЛАЙЛИК!

ИЛҒОР ТАЖРИБА МИНБАРИ

ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРИШ РЕЗЕРВЛАРИ

Совхозимиз пахтакорлари ўнинчи беш йилликнинг дастлабки икки йилида ўз олдиларига қўйилган вазифани уддалай олмадилар. Давлатдан 2.500 тонна пахта қарздор бўлиб қолдик. Нега бундай ачинарли аҳвол юз берди, дегин қандай ишлаш, планнигина эмас, зиммамиздаги бойиманда пахтани ҳам етишга етарли миқдорда «оқ олтин» етиштириш учун нималар қилиш керак?

Бу саволларга жавобни биз КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми қарорларидан топдик, десам сира муболаға бўлмайди. Негаки, хўжалигимиз территориясидаги зовурлар, суғориш тармоқлари кейинги вақтларда ботқоқлашиб қолди, сув ўтказиш қобилияти пасайди, тупроқнинг шўрланиши кучайди. Шу ва яна бир қатор салбий факторлар ҳосилдорликка ёмон таъсир қила бошлади. Шундай бир вазиятда мавжуд сув иншоотларининг ҳаммаси реконструкция қилинди, чуқурлаштирилиб, сув ўтказиш қобиляти оширилди. Пахта майдонлари икки ярусли плуглда 40—45 сантиметр чуқурликда шудгорланди. Шўрланган ва ўта шўрланган арталарга икки-уч марта сув таралди. Тупроқ картограммси асосида минерал ўғитлардан фойдаланиш тартиби қайта кўриб чиқилди.

Натижа чакки бўлмади. Ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилида совхоз ўнича ҳар гектар ердан олган пахта ҳосили 11 центнера ошди, давлатга 11 минг 352 тонна «оқ олтин» етказиб берилиб, социалистик ажбуриятни ҳам шараф билан бажарилди. Қолоқлик дов ювилди. Совхозимиз чўлуварлари бир миллион сўман ортиқ қўшимча иш ҳақиқа мукофот пули олдилар.

Кўриниб турибди, совхозимизда фақат пахтачиликкина эмас, ёшқа тармоқларни ҳам ривожлантириш, маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш, сорти ва сифатини яна яхшилаш учун катта резервлар бор. Шуларни ишга солиб, 1980 йилда 13.0 тонна пахта, 3.500 тонна дон, 610 тонна сут, 116 тонна гўшт, кўплаб бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга қарор қилганмиз. Чорва маҳсулотлари тайёрлаш квартал планлари ортиғи билан бажарилгани, маккажўхорининг ўртасидан 100 центнердан дон хирмони кўтариш ниятидамиз. Бир сўз билан айтганда, якунловчи йил, умумасосан беш йиллик план-топшириқларини ҳамма турлари миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича тўла ҳамда ортиқ адо этишга қатъий ваъда қилганмиз.

Деҳқон таъбири билан айтганда ёз чилласи — июль ойи пахтадан кўп ва эрталашган ҳосил плашда ҳал қилувчи босқич ҳисобланади. Биз шунҳисобга олиб, 4.168 гектар майдондаги ғўзани юксак агротехника қоидалари асосида парвариш қиляпмиз. Тўртинчи культивация тугалланди, кунига 92 чопиқ трактори ёрдамида 480—500 гектар майдонда бешинчи культивация ўтказилмоқда. Бўлимларда группа усулида ишлайдиган бригадалар тузилган бўлиб, улар ҳамма майдонлардаги ғўзаларни уч марта озиқлантириб бўлдилар. Минерал ўғитлар чиритилган ғунгга аралаштирилиб қатор ораларига солинмоқда. Бугунга қадар ғўзаларга 11,5 минг тонна органик ўғит берилди. Суғориш, культивация, озиқлантириш бир-бирига уйғунлаштирилиб борилиши туфайли шу кунга қадар 3.000 гектар майдонни ғўзалари қийғос гулга кирди.

Ғўза парваришида техникадан фойдаланиш, унинг иш коэффициентини ошириш муҳим масалалардан биридир. Совхозимизда ана шуни кўзлаб иш тутаётган механизаторлар сафи тобора кенгаймоқда. Ҳосил Қўшаров, Зокир Абдусатторов, Абдугаффор Ҳусанов, Фарид Эсонов, Парзулла Ашурбоев, Исмоил Умматов, Ўсмон Ортиқов, Умрқул Аноров, Олим Хўжаёров каби кўплаб механизаторларимиз ўзлари хизмат қилаётган бригадаларда 40—50 центнерлик ҳосил яратиш учун астойдил курашмоқдалар.

Ер усти механизмларидан қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашда янада кенгроқ фойдаланиш чораларини кўряпмиз. Мана уч йилдирки, ҳашаротларга қарши дори сепишда самолётлардан эмас, «ОВХ-14», «ОВХ-28», «ОШУ-50А» аппаратлари ҳамда культиваторларга ўрнатилган ПГС мосламаларидан фойдаланяпмиз. Ер аппаратларидан фойдаланиш йўлга қўйилиши туфайлигина ҳашаротларга қарши дори сепиш пайтида 150 минг сўмга яқин маблағни тежаб қоляпмиз. Фойдали ҳашаротларни кўпайтириш мақсадида совхозимизда биолаборатория ташкил қилдик.

Ғўзаларнинг серҳосил бўлиб ўсишини таъминлаш мақсадида суғоришни энг яхши агротехника муддатларида ўтказяпмиз. 10 процент сувни тежаш имкониятини берадиган эгилувчан шланглар билан суғоришга кўчдик. Ўқариқлардан сув олиб суғориш услубидан воз кечилиши ҳам ер ва сувни тежаш имкониятини бермоқда. Ғўзалар шланг билан суғорилганда сув қатор ораларида бир текис ва равон оқади, қатлам яхши намланади, бир вақтда етилади, культивациянинг сифати ортади. Энг муҳими, чопиқ тракторларининг иш унуми 20—25 процент кўтарилади.

Хўжалигимизда тўқсонга пахта даласи бор. Ҳар 100 метрдан битта ўқариқ олинса, 250 гектар ер «пўстдумба»га чиқади. Шунча ердан 750 тонна пахта ёки 375 минг сўм соф фойда олиш мумкин. Эгилувчан шланглар орқали суғоришнинг яна бир қатор афзалликлари бўлиб, катта иқтисодий фойда келтиради.

Совхозимиз коллективи пахтачиликдаги бутун ишлари, хусусан йиғим-теримни машиналар гарданига ортмоқда, бу борада бой тажрибалар тўпладик. Ўтган йили ялпи ҳосилнинг 88 проценти «зангори кема»ларда териб олинди. Бу йил эса бу кўрсаткич 96 процентга етказилади. Ғўзаларни машиналар мижозига мослаб, ҳосили эртапишар қилиб ўстиряпмиз, чанқаб қолиши, ғовлаб кетишига йўл қўймаяпмиз. Июль ойида ҳамма майдонларда икки марта, нисбатан камҳосили майдонларда эса табақалаб уч марта комплекс парвариш ўтказамиз, ҳар туп ғўзада 8—10 та бўлиқ кўсак бунёдга келтирамиз. Биргина пахтачиликнинг ўзидан 1,5 миллион сўм соф фойда олишни мўлжаллаяпмиз.

Пахта—беда алмашлаб экишни кенг жорий қилиш пахта ҳосилдорлигини кўтариш, чорва моллар озуқа базасини мустаҳкамлашнинг муҳим шартидир. Алмашлаб экишни кенг қўллаб, пахта ҳосилдорлигини қисқа вақтда 11 центнер кўтардик, беда ва дон тайёрлашни кўпайтирдик. Шу кунга қадар бошоқли экинлардан йиллик планга нисбатан 2,5 баравар кўп дон йиғиштириб олдик, 575 гектар бедазорда икки ўрим ўтказиб, гектаридан 80 центнердан пичан олдик, сенаж бостириш топшириғини ҳозиргача 180 процент бажардик. Маккажўхориларимиз 340 гектар майдонда «дала маликаси» ўстиряптилар, гектаридан 100 центнердан «кахрабо дон» оламиз, 5.000 тонна силос бостирамиз.

Бошқа тармоқларни сира камситмаган ҳолда ғўза парваришини кун сайин кучайтиряпмиз. Гектаридан 45—50 центнердан хирмон кўтариш учун курашаётган З. Жўраев, Р. Абдамбетов, А. Қувватов, С. Бегматов, У. Қоржавов, Р. Ортиқов, В. Номозов каби пахта усталари бошчилик қилаётган бригадаларнинг пахтазорларига «Сифат белгиси» берилди. Уларнинг тажрибаси ҳамманинг мулкига айлантирилмоқда. Вазиятни ҳисобга олиб, сувчилар сонини 80 кишига кўпайтирдик, 29 та дала шийпонини чўлқуварларнинг хордиқ чиқариш жойига айлантирдик, мусобақа ғолиблари рағбатлантирилмоқда.

Бу йил ҳосилдорликни гектар бошига ўтган йилдагига нисбатан 4 центнер кўтаришни режалаганмиз. Пиллик планни октябрь ойи ўрталаридаёқ бажаришни таъминлаш учун ҳамма имкониятларни ишга соламиз.

Ф. ТУРСУНОВ,
Сирдарё область Ильич районидаги Волков номли совхоз директори.

Шўрчи районидаги «Оқолтин» колхози ғаллаорлари ўримда Сурхондарё областида пешқадамлар safida боришляпти. Ғаллаорлар ўримни кун сайин жадаллаштирмоқдалар. Ғалла ўримида илғор комбайнчи И. Ибрагимов байроқдорлик қиляпти. Колхоз ғаллаорлари 542 гектар майдондан 1500 тонна сара дон сотиш мажбуриятини олишган. Суратда: илғор комбайнчи И. Ибрагимов.

Ю. Богданов фотоси.

ПАРТИЯ КАДРЛАРИ МАКТАБИ

30 июнь куни Москвада КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академияси дастлабки тингловчиларини чиқариш маросимига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

Президиумда КПСС Марказий Комитетининг секретарлари М. В. Зимянин, К. В. Русаков, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг раиси Г. Ф. Сизов, олимлар ва пойтахт жамоатчилигининг вакиллари ўтиришибди.

Йиғилишни академиянинг ректори М. А. Медведев очди.

М. В. Зимянин йиғилиш аҳли ҳузурида нутқ сўзлади.

У академиянинг профессорлари, ўқитувчилари, барча ходимлари, тингловчилари ва аспирантларини шонли воқеа — академия дастлабки тингловчиларини чиқариш маросими билан КПСС Марказий Комитети номидан самимий табриклади, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг саломини ва энг яхши истакларини топширди.

Ижтимоий фанлар академияси, — деди М. В. Зимянин, — сифат жиҳатидан янги олий партия ўқув юртидир. Бу академия Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига қилган Ҳисобот докладидаги кўрсатмаларига мувофиқ икки йил муқаддам ташкил этилган эди.

Академияни 1980 йилда биринчи марта битириб чиқаётган кишилар КПССнинг XXVI съезди арафасида мустақил равишда бажариладиган масъулиятли ишнинг кенг йўлига қадам қўйиб қолдилар. Марказий Комитетнинг кечагина тамом бўлган ва партия съездини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган Пленуми, Л. И. Брежневнинг Пленумда қилган ва принципиал жиҳатдан гоят муҳим мазмунли доклади мамлакатда меҳнат ғайратини ва сиёсий активликни янада кучайтириб юборди. Партия халқ манфаатларини кўзлаб, мамлакатни КПСС XXIV ва XXV съездлари белгилаб берган ленинча йўлдан комил ишонч билан олға бошлаб бормоқда, ижтимоий тараққиётнинг актуал проблемаларини илмий марксча-ленинча таҳлил асосида ижодий тарзда ҳал этмоқда, коммунистик қурилиш соҳасида янги вазифаларни ўртага қўймоқда.

Академияни битириб чиқувчиларнинг ҳар бири яхши, профессионал тайёргарликка эга бўлиб, талайгина ҳаётий тажриба, партия, комсомол, совет органларида, идеология муассасаларида иш тажрибасини тўплаган. Шу билан бирга, деб таъкидлади нотиқ, битирувчиларни чиқариш маросимига бағишланган тантанали кунда ҳозирги раҳбар умри давомида ўзининг назарий билимини тинмай бойитиб бориши, такомиллаштириши лозим эканлигини яна бир марта таъкидлаб ўтишни истаймиз.

Академияни совет ўртоқлари билан бирга социалистик мамлакатлардан, шунингдек Яман Халқ Демократик Республикаси ва Конго Халқ Республикасидан келган тингловчиларнинг катта бир группаси ҳам битириб чиқди. Биргаликда ўқиш, марксизм-ленинизм назариясини ижодий тарзда эгаллаш, СССРда коммунистик қурилиш практикаси билан танишиб чиқиш ва коммунистик, ишчи партияларимиз ва революцион-демократик партиялар тўплаган тажрибани биргаликда ўрганиш — буларнинг ҳаммаси пролетар интернационализмининг жуда яхши мактаби бўлиб, мамлакатларимиз ўртасида доим мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ҳамда ҳамкорликнинг конкрет ифодасидир.

Йиғилишда академиянинг тингловчилари, аспирантлари ва ўқитувчилари номидан В. А. Елчев, С. Янчевска, профессор К. И. Суворов сўзга чиқдилар.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари гоят баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитетига, ўртоқ Л. И. Брежневга табрикнома қабул қилдилар. (ТАСС).

НОМЕРГА ТЕЛЕГРАММА

ВАЪДАГА ВАФО

ФЛЮРА МИРЗАХОНОВА СЎЗИНИНГ УСТИДАН ЧИҚДИ

САМАРҚАНД, 30 июнь. Самарқанд шойи ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси Флюра Мирзахонованинг номи республика тўқимачилари орасида машҳур. Ф. Мирзахонова Ўзбекистоннинг бошқа донгдор ишчилари қаторида беш йиллик бошида 1980 йилнинг охиригача камида ўнта шахсий йиллик нормани бажараман, деб сўз берган эди. Бунга эришиш учун у икки баравар кўп асбоб-ускунага хизмат қилишни ўрганиб олди. Шу билан бирга ишчи бутун маҳсулот юксак сифатли бўлишига доимо эришиб келмоқда.

Бугун Флюра Мирзахонова белгиланган ишдаги ўртоқлари учун кувончли кун бўлди: бирлашманинг энг яхши тўқувчиси Ватанга берган сўзининг устидан чиқди! Унга бириктирилган станокларда беш йиллик бошидан буён бир ишчига пландаги 95 минг метр ўрнига 192 минг метр сифатли жаккард газлама олинди. Ф. Мирзахонова ана шу муваффақият тўғрисидаги рапортида қуйидагиларни ёзди: «Мен КПСС XXVI съезди шарафига беш йилликнинг якунловчи йили охиригача яна бир йиллик планни бажариб, камида 19 минг метр шойи газлама тўқиб чиқараман, деб сўз бераман». (ЎзТАГ).

КОММУНИЗМНИ ЁШЛАР ҚУРАДИ

30 июнь куни Тошкентда «Ўзбекистон ёшлари ва ишлаб чиқарувчи кучлари» мавзуида республика конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияни Ўзбекистон ССР Госплани, Ўзбекистон ССР Меҳнат давлат комитети, республика маориф министрлиги ва Ўзбекистон ССР Ҳунартехника таълими давлат комитети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ўтказди.

Конференцияни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров очди. Докладларда ва нутқларда республиканинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш истиқболлари, Ўзбекистон ССР меҳнат ресурсларини таркиб топтириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш хусусиятлари, Ўзбекистон халқ хўжалигида кадрларнинг аҳволи ва халқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш имкониятлари, ёшларни ижтимоий ишлаб чиқаришга янада тўлароқ ва оқилона жалб этиш йўллари, ана шу масалаларни ҳал этишда педагогик ва меҳнат коллективларининг, касаба союз органлари ва комсомол ташкилотларининг роли ҳар томонлама кўриб чиқилди. Ёшларни меҳнатга жалб этиш ва ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида уларнинг меҳнатидан самарали фойдаланиш соҳасида республикада тўпланган тажриба умумлаштирилди.

Экономиканинг қарор топган структураси, шунингдек демографик жараёнлар, деб таъкидланди конференцияда, республиканинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга таъсир ўтказади. Аҳоли ва меҳнат ресурсларининг тез суръатлар билан ўсиши Ўзбекистон учун характерлидир. Аҳоли ва меҳнат ресурслари составида ёшлар 54,6 процентни ташкил этади. Шу боисдан ҳам ёш авлод фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ижтимоий ишлаб чиқаришни муттасил такомиллаштириш негизида коммунизмнинг моддий-техника базасини барпо этиш юзасидан комплекс вазифаларни ҳал этиши лозим.

Қабул қилинган тавсияларда халқ хўжалиги учун ёш кадрлар тайёрлашни яхшилашга, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида ёшлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган конкрет тадбирлар белгиланди.

Конференция ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

«ПРОГРЕСС-10» ОРБИТАДА

ТАСС АХБОРОТИ

«Салют-6» — «Союз» илмий-тадқиқот комплексининг бундан буёнги ишини таъминлаш программасига мувофиқ 1980 йил 29 июнда Москва вақти билан соат 7 дан 41 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Прогресс-10» автомат юк ташиш кемаси учирилди.

«Прогресс-10» кемасини учиришдан мақсад «Салют-6» орбитал станциясига ишлатиладиган материаллар ва турли юкларни етказиб беришдан иборат.

Телеметрик ахборот маълумотларига кўра, «Прогресс-10» кемаси ичидаги системалар нормал ишлаб турибди.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА — ПАРТИЯВИЙ ҒАМХЎРЛИК

АНДИЖОН, 30 июнь. (ЎзТАГ). Бу ерда очилган республика семинар-кенгаши физкультура ва спортни янада ривожлантириш масалаларига бағишланди. Семинар-кенгашнинг ишида область, шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари, касаба союз, комсомол ва спорт ташкилотларининг раҳбарлари қатнашмоқдалар.

Андижон область партия комитетининг секретари Н. Муҳиддинов, республика спорт комитетининг раиси М. И. Иброҳимов доклад қилдилар.

Докладлар ва нутқларда қайд этиб ўтилганидек, республикада оммавий-физкультура ва спорт ишларини ривожлантиришда муайян муваффақиятларга эришилди. ГТО нишондорларининг сони кўпайди. Олимпиада ўтказиладиган бу йил спорт ҳаракати янада юксалганлиги билан нишонланди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида спорт базаларини кенгайтириш масалаларига катта эътибор бердилар. Кейинги вақтларда янги стадионлар ва бассейнлар, ГТО шаҳарчалари ва спорт заллари, мерганлик тирлари ва майдончалар барпо этилди. Шу билан бирга мавжуд спорт базаларидан ҳамма жойда ҳам оқилона, тўла самара билан фойдаланиляпти, деб бўлмайди.

Андижон области спорт ташкилотларининг тажрибаси эътиборга сазовордир. Бу ерда ўнинчи беш йилликнинг тўрт йили мобайнидагина спорт билан шуғулланувчи кишилар сони эллик минг нафар кўпайди. Андижонда ихтисослаштирилган гимнастика ва бокс заллари, сузиш бассейни, курашчилар майдони қурилди. «Сеавай» совхоз-техникумида спорт комплекси ва усти ёпиқ сузиш бассейни, ўнлаб янги стадионлар пайдо бўлди. Буларнинг ҳаммаси — партия, совет ва комсомол ташкилотлари совет кишиси — коммунизм бунёдкорини ўйғун камол топтириш тўғрисида жуда катта ғамхўрлик қилаётганликлари натижасидир.

Областда тўпланган ижобий тажриба республикаларда барча спорт коллективларида кенг оммалаштирилиши лозим. Физкультура ва спорт билан шуғулланиш учун базаларни мустаҳкамлаш, спорт иншоотлари барпо этиш ва улардан самарали фойдаланиш тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилиш зарур.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов нутқ сўзлади.

Семинар-кенгаш қатнашчилари тажрибани ўртоқлашдилар, «Савай» совхоз-техникумининг спорт базаси билан, Избоскан районидаги Охунбобоев номли совхозда оммавий-физкультура ишлари қандай йўлга қўйилганлиги билан, Балиқчи районидаги М. Горький номли совхозда миллий кураш бўйича очилган ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг фаолияти билан танишдилар.

ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

ТЕРМИЗ, 30 июнь. (ЎзТАГ). Халқ депутатлари Сурхондарё область Советининг сессияси бўлиб ўтди. Сессия қатнашчилари уй-жой ва коммунал-маиший объектлар қандай қурилаётганлиги тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар. Область Совети соғлиқни сақлаш ва социал-таъминот доимий комиссиясининг ҳисоботи ҳам тингланди.

МОСКВГА КЕЛИЩИ

Совет раҳбарларинг таклифига биноан Германия Федератив Республикасининг федерал канцлери Гельмут Шмидт ва федерал вазирларнинг ўринбосари, ГФР ташқи ишлар министри Ганс-Дитрих Геншер 30 июнда Москвага келишди.

Аэродромда Москвани КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, Раиси Министрлар Советининг биринчи ўринбосари Н. А. Тихонов, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико ва бошқа раҳбарлар кутиб олдилар.

Аэродромда кутиб олиш

ТАСС—ЎзТАГ телефотоси.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

АНДИЖОН, 30 июнь. (ЎзТАГ). Область партия комитетининг бу ерда бўлиб ўтган пленуми КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишни янада яхшилаш тўғрисда»ги қарорини область партия ташкилоти қандай бажараётганлиги масаласини муҳокама қилди. Область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов доклад қилди.

Нотиқлар шуни таъкидлашдики, КПСС Марказий Комитети 1980 йил июнь Пленумининг материаллари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладида баён этилган қонда ва хулосалар область коммунистлари, барча меҳнаткашлари олдига янги масъулиятли вазифаларни қўяди. Партия ташкилоти шу ҳужжатларга амал қилиб, коммунистик тарбия соҳасидаги иш савиясини янада баланд кўтариши керак. Пленум қатнашчилари партиянинг бўлажак XXVI съездига тайёргарлик кўриш, беш йиллик топшириқларининг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлаш соҳасида партия ташкилотлари қўраётган чораларни гапириб бердилар.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ИДЕОЛОГИЯ ИШИ ТАЖРИБАСИДАН

СЎЗНИНГ ТАЪСИР КУЧИ

Районимиз пахтакорлари бу йил қирқ беш минг тонна «оқ олтин» ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларни етиштириш мажбуриятини олганлар. Қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларни ошириб бажаришда районимиз идеология ходимларининг ҳам муносиб ҳиссалари бўлади, албатта.

Партия ва ҳукуматимиз муҳим қарор ва кўрсатмаларини кенг меҳнаткашлар онгига етказиш, улар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни янада жонлантириш, лекция пропагандасини яхши йўлга қўйишда идеология ходимлари катта роль ўйнамоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг «Лекция пропагандасининг аҳволи ва уни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида» ва «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорлари юзасидан «Билим» жамияти район ташкилоти билан жамоаликда бир қатор тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширдик.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, янги урф-одатлар ва анъаналарни тарғиб қилиш ҳамда оммани марксизм-ленинизм ғоялари билан қуроллантиришда идеология ходимлари катта роль ўйнамоқдалар. Улар лекция пропагандасини шу кун талаблари асосида ташкил этганлари ҳолда бошланғич партия ташкилотларига ёрдам кўрсатмоқдалар.

«Билим» жамияти район ташкилоти 35 бошланғич ташкилотдан иборат бўлиб, 750 нафар турли мутахассис кадрларни ўз сафига бирлаштирган. Уларнинг 50 нафари меҳ, 55 киши инженер-техник, 70 нафари қишлоқ хўжалиги ходими, 572 киши эса ўқитувчи, партия ва совет ходимларидир. Улар дала ва чорвачилик фермаларида, завод ва қурилиш ташкилотлари объектларида, мактаб ва муассасаларда бўлишади. Ўзларининг мазмунли лекция ва суҳбатлари билан тингловчиларга маънавий ва маърифий руҳ бахш этмоқдалар. Ўтган йили районимиз хўжаликлари ва муассасаларида ҳуқуқ билимлари, илмий атеизм, халқаро аҳвол ва бошқа мавзуларда 8071 та лекция ва суҳбатлар ўтказилди. Қурилиш, саноат ва транспорт корхоналари илғорларининг иш тажрибалари бўйича 223 та, қишлоқ хўжалик экономикаси ва илғор тажрибалар хусусида 619 та лекция ўқилди.

Район партия комитети лекция пропагандасининг самарадорлигини, унинг таъсир кучини оширишга ҳамиша катта эътибор бераётир. Лектор, пропагандистларга амалий ёрдам бериш мақсадида тез-тез пропагандистлар семинарлари ўтказилаётир. Семинарларда лектор, пропагандистларнинг маҳоратини ошириш билан бирга, партия ва ҳукуматимиз қарорларини меҳнаткашлар ўртасида пропаганда қилиш, лекция пропагандасини илмий асосда ташкил этиш, меҳнаткашларни илмий-атеистик руҳда тарбиялаш, социалистик турмуш тарзи ва бошқа масалалар ҳақида йўл-йўриқлар, маслаҳатлар бериб борилмоқда. Район партия комитети «Билим» жамияти район ташкилоти ишини муттасил назорат қилиб тегишли ёрдам, йўл-йўриқ бериб турибди.

Натижада жамиятнинг бошланғич ташкилотлари ишни анча яхшиланди, қишлаётган лекцияларнинг самарадорлиги кескин оширилди. Буни айниқса, «Госкомсельхозтехника» район бирлашмаси, медицина бирлашмаси ва Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводи бошланғич ташкилотлари ишида яққол кўриш мумкин. Бу ташкилотларга ўюшган лектор-пропагандистлардан А. Малиев, А. Нишонов, Л. Бойнобилова, М. Ҳабибуллин, А. Аҳмаджоновларнинг ўз участкаларида ўқиётган маҳаллий факт ва мисолларга бой лекциялари тингловчиларда яхши таассурот қолдирмоқда, меҳнатда уларни илғорликка ундамоқда. «Пахтакор» совхозидан Х. Мирзакаримов, С. Отабоев, «Москва» колхозидан Э. Шералиев, Энгельс номли колхозидан Н. Жамолов, «Ўзбекистон» колхозидан Х. Исмонлов сингарилар ҳам ана шундай тажрибали лектор, пропагандистлардан ҳисобланади. Уларнинг лектор-пропагандистлик соҳасидаги бой иш тажрибалари районимизда кенг оммалаштирилган, Аксарияти Бутуниттифоқ ва республика «Билим» жамияти правлениесининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган.

Лекция пропагандасини шу кун талаблари асосида ташкил этганимиз, «Билим» жамиятининг бошланғич ташкилоти правлениеси қошида қишлоқ хўжалиги, илмий атеизм, ҳарбий-ватанпарварлик, ижтимоий-сиёсий, медицина, ҳуқуқ билимлари, педагогика ва психология, ёшлар секциялари ишлаб турибди. Уларда ёш лекторларнинг лекция текстлари тузишларига ва текстларни таҳриз қилишга катта ёрдам берилмоқда.

Район партия комитети халқ университетлари ишини ҳам янада жонлантиришга яхши эътибор бермоқда. Ҳозирги вақтда районимизда «Инсон ва қонун», қишлоқ хўжалик билимлари, турмуш маданияти, илмий атеизм, ҳарбий ватанпарварлик, ижтимоий-сиёсий ва кутубхонашунослик халқ университетлари мавжуд. Буларга 1750 нафар тингловчи қатнашмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумининг қарорларини, КПСС XXV съездидан кейинги давр ичида мамлакатимизда эришилган ютуқларни меҳнаткашлар ўртасида кенг пропаганда қилиш ва тушунтириб бериш мақсадида район партия комитети алоҳида агитбригадалар ташкил этди. Пахтакор ва чорвадорлар, механизатор ва сувчилар бу агитбригаданинг қизиқарли лекциялари ва «Зилола» ансамбли концертларидан баҳраманд бўлмоқдалар.

Лекция пропагандасини янада жонлантириш, унинг таъсир кучи ва самарадорлигини ошириш юзасидан амалга оширилган бундай тадбирлар ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, олинган социалистик мажбуриятларнинг ошириб бажарилишини таъминлашда муҳим ҳисса бўлади.

М. ДАВРОНОВА,
Олтиариқ район партия комитетининг секретари.

ХАЛҚ ОҚСОҚОЛИ

ЙЎЛДОШ ОХУНБОБОЕВ ТУҒИЛГАН ҚУННИНГ 95 ЙИЛЛИГИГА

Совет давлатининг таниқли арбобларидан, ўзбек халқининг ажойиб фарзандларидан бири халқ оқсоқоли — Йўлдош Охунбобоев туғилган кунга 95 йил тўлди.

Коммунистик партия барча миллий ўлкалар қатори Ўзбекистон халқлари вакилларидан раҳбар кадрлар тайёрлаб, волга етказишга алоҳида эътибор бериб келди. Йўлдош Охунбобоев шулар жумласидандир.

Йўлдош Охунбобоев 1885 йил 1 июлда Фарғона водийсининг Жойбозор қишлоғида камбағал аравасоз оиласида туғилди. У болалик чоғидан меҳнат қилди, кейинчалик пахта тозалаш заводи ишчиси, батрак, бойлар ерида чорикор бўлиб, азоб-уқубатли кунларни бошдан кечирди. Унинг ёшлик чоғидаёқ эксплуататорларга, чоризмга қарши ғазаби ошаборди. Шунинг учун ҳам у Ўрта Осиёда 1916 йилдаги умумхалқ революцион-озодлик кўзғолонида актив қатнашди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясини тайёрлаш ва ғалаба қозониш жараёни Й. Охунбобоевнинг сиёсий савияси ривожига жуда катта таъсир кўрсатди. У ўлкада Совет ҳокимиятининг ташкилотчиларидан бўлиб етишди ва Жойбозор қишлоқ Советининг раиси бўлиб сайланди.

1921 йил 12 май Охунбобоев ҳаётида жуда муҳим кун — У Ленин партияси сафига қабул қилинди ва бутун ҳаётини партия ишига, совет жамиятига, социалистик тузумнинг ривожига бағишлади.

1924 йилда Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланиши ўтказилиб янги республикалар, шулар қатори Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси вужудга келди. Ўзбекистон ўз ҳоҳиши билан Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи составига қабул қилинди. Бу ўзбек халқи тарихий тақдирида, республикада социализмнинг равнақи учун энг муҳим омиллардан бири сифатида алоҳида аҳамиятга молик бўлди.

1925 йил февралда Ўзбекистон Компартиясининг I съездида Й. Охунбобоев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросига аъзо бўлиб сайланди.

Ўзбекистон ССРнинг ташкил этилиши ва унинг СССР составига ихтиёрий кириши тўғрисида тарихий Декларация қабул қилинди. Съезд Ўзбекистон Республикасининг олий ҳокимияти органини сайлади. Унда коммунистлар фракцияси номидан сўзга чиққан Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Акмал Икромов Ўзбекистон Марказий Ижроия Комитети раислигига Йўлдош Охунбобоев номзодини кўрсатди. Съезд бу таклифни якдиллик билан тасдиқлади. 1936 йил СССРнинг янги Конституцияси қабул қилиниши муносабати билан 1937 йилда СССР Олий Советига сайлов бўлиб ўтди. Халқ сайлаган депутатлар орасида Йўлдош Охунбобоев ҳам бор эди. 1938 йил 12 январда Москвада СССР Олий Советининг биринчи сессияси тўпланди. Сессияда Йўлдош Охунбобоев бир оғиздан СССР Олий Совети Президиумя Раисининг ўринбосари қилиб сайланди. Шу йилнинг июнида Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловлар ўтказилди. Биринчи сессияда Й. Охунбобоев Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раислигига сайланди ва умрининг охирига қадар намунали иш олиб борди, жамоатчиликда катта обрў-ҳурматга эга бўлди ва республикада халқ оқсоқоли, деб аталди.

Йўлдош Охунбобоев фаолияти кўп қиррали ва чуқур мазмунлидир. Даставвал унинг Ўзбекистонда ленинча аграр сиёсат тантанаси учун курашдаги ўрнатли ишларини эслайлик. 1925 — 1928 йилларда республикада ер-сув ислоҳоти ўтказилди. Бу ислоҳот помешчикларнинг ердан фойдаланишини тугатди, қулоқлар синфига қақшатқич зарба берди ва қишлоқни социалистик асосда қайта қуриш, коллективлаштириш учун йўл очиб берди.

Й. Охунбобоев меҳнаткашлар оммасига яқин ва тушунарли бўлган Совет аппаратини ташкил қилиш, ерли аҳолини, айниқса хотин-қизларни совет, хўжалик, жамоат ташкилотларига кенг жалб қилиш, раҳбарлик лавозимларига ишчи, батрак ва камбағал деҳқонларни кўтариш, совет ташкилотларини синфий ёт унсурлардан тозалаш, тўрачилик, қоғозбозлик, расмиятчилик, мажлисбозлик билан қатъий курашиш зарурлигини такрор-такрор уқтирарди.

Янги жамият қурилишининг иқтисодий негизи социалистик индустрияни барпо этишга боғлиқ эди. Ўзбекистонда улуғ рус халқи ва барча қардош халқлар ёрдамида юзлаб саноат корхоналари қад кўтарди. Уларни қуришда ҳам республика партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлик фаолиятида Йўлдош Охунбобоевнинг ҳам улкан ҳиссаси бор. Республикада Чирчиқ химия комбинати, Олмалиқ қурилиши каби йирик саноат гигантлари қурилиши,—деб ўқтирган эди у, — Ўзбекистон экономикасини таг-томири билан ўзгартирмоқда, бу ерда ишчилар синфи отрядларининг сон ва сифат жиҳатидан ўсиб бориши социализм ғалабаси учун гаровдир.

Й. Охунбобоев суғориш проблемалари тўғрисида Ленин ғояларини Ўзбекистонда татбиқ қилиш учун актив курашди. У Катта Фарғона канали ва бошқа ирригация системалари қурилишининг муҳим ташкилотчиларидан бўлиб танилди. Революциядан илгари сув проблемаси меҳнаткашлар учун қанчалик оғир қулфатлар билан боғлиқ бўлганини эслатиб, халқ оқсоқоли бундай деган эди: «Ленин партияси ва Совет ҳукумати мамлакатимизнинг саодати учун, Ватанимизнинг иқтисодий ва маданий юксалиши учун сувнинг катта аҳамиятга эга бўлганини кўзда тутдилар. Шунинг учун ҳам большевиклар партияси ва Совет ҳукумати сувдан фойдаланишни тўғри йўлга солишга, сувни меҳнаткаш халқнинг ризосига бўйсунадиган қилишга бениҳоя катта аҳамият бердилар». Партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги натижасида Ўзбекистонда суғориш соҳасида жуда катта муваффақиятларга эришганлигимиз ҳаммага аёндир.

Йўлдош Охунбобоев асли деҳқон бўлгани учун ҳам пахта етиштириш агротехникасини яхши биларди. У республикада пахтачиликни ривожлантириш, мамлакатимизнинг пахта мустақиллигини таъминлаш учун ўзининг бутун кучи, билими, бой тажрибасини сарфлади. Йўлдош ака колхозчилар, механизаторлар, қишлоқ хўжалик ходимлари билан тез-тез бўлиб турадиган суҳбатларида пахта майдонини кенгайтириш, унинг ҳосилдорлигини ошириш чоралари, агротехника фани ютуқларини ва илғор тажрибани жорий қилиш, пахтачиликда ишчиларнинг ўзларидан фойдаланиш, машина ва механизмларни кенг қўлланиш, уруғчиликни яхшилаш, узун толали навларни кўпайтириш зарурлигини қайта-қайта таъкидларди.

Республикамиз пахтакорлари мамлакатимизнинг пахта мустақиллигига эришиш вазифасини муваффақиятли ҳал қилишга муносиб ҳисса қўшди. Ўзбекистонда 1929 йили 549,6 минг тонна пахта етиштирилган бўлса, 1939 йили пахтанинг ялпи ҳосили 1,5 миллион тоннага етди, яъни Ватанимизда етиштирилган пахтанинг 65 процентини ташкил этди. Бу улкан ғалабада республика партия ташкилоти ва ҳукумати раҳбарларининг ҳам, шунингдек Й. Охунбобоевнинг ҳам ўз ҳиссаси бор.

Йўлдош Охунбобоев ленинча маданий революция вазифаларини амалга оширишда фаол иштирок этди. Октябрь революциясидан олдин Ўзбекистонда ёппасига саводсизлик, жаҳолат, қолоқлик, диний-маиший сарқитлар кенг халқ оммаси бошига битган бало эди. Революциядан кейин оммани саводли қилиш, ёш авлодни ўқитиш, уларга таълим ва тарбия бериш муҳим социал вазифалардан бири бўлиб қолди. В. И. Ленин 1919 йил 25 декабрда «РСФСР аҳолиси орасида саводсизликни тугатиш тўғрисида»ги Декрета имзо чеккандан кейин саводсизликни тугатиш ишлари жадаллашиб кетди. Саводсизликка қарши курашиш кескин қилиб қўйилган 1925-26 йили Й. Охунбобоев ташаббуси билан республикада «Йўқолсин саводсизлик» жамияти тузилди. Республикада саводсизликни тугатиш ва чала саводлар мактаб шоҳобчалари кенг тармоқ ёйди. Бу мактабларни 1939 йилгача Ўзбекистонда 7 миллиондан ортиқ киши битириб чиқди.

Й. Охунбобоев адабиёт ва санъат аҳлларининг энг яқин дўсти ва ғамхўри эди. У ўзбек классик адабиётининг йирик намояндалари Навоий, Фурқат, Муқимий ва бошқаларнинг асарларини омма ўртасида кенг ёйиш ишларида актив қатнашди. Айниқса, ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ижодини пропаганда қилишга, унинг пьесаларини ўзбек театр саҳналарида қўйишга катта аҳамият берди.

Йўлдош Охунбобоев ваҳтиянинг хотин-қизларни озод қилиш программасини амалга оширишнинг фаол курашчиларидан бири эди. Ўзбек хотин-қизларини ижтимоий ҳаётга, маданий қурилишга жалб қилишга оталарча ғамхўрлик қилди.

«Ҳужум» шиорини амалга ошириш жараёнида хотин-қизларни Советлар ишига жалб қилиш борасида кўп ишлар қилинди ва бу ишга Йўлдош Охунбобоев бошқош бўлди. Натижада 1926 йил Советларга бўлган сайловларда хотин-қизларнинг 16 процента иштирок қилган бўлса, 1929 йилда 58 процента иштирок этди. Советларга депутатлар бўлган хотин-қизлар 1926 йилда барча депутатларнинг 12 процентини ташкил қилган бўлса, 1929 йили 26 процентга етди.

Урушдан олдинги беш йилликлар даврида республикада маданий қурилиш соҳасида катта ютуқлар қўлга киритилди. Аммо қўққиздан бошланган урush СССР халқларининг, шунингдек ўзбек халқининг тинч бунёдкорлик меҳнатини қийинлаштириб қўйди.

Улуғ Ватан уруши бошланиши биланоқ Й. Охунбобоев ўзини Ватан учун сафарбар деб ҳис этди ва бутун кучини Ўзбекистонни Қизил Армиянинг қудратли арсеналига айлантиришга сарфлади. У фронт яқинидаги районлардан кўчириб келтирилган завод ва фабрикаларни республика шаҳарларига жойлаштиришга, уларни тезда ишга туширишга, эвакуация қилинган совет гражданларини, болаларни уй-жой, озиқ-овқат, иш билан таъминлашга катта эътибор берди. У Қизил Армия учун иссиқ бўюмлар йиғишга раҳбарлик қилиш республика комиссиясининг раиси эди. Комиссия раҳбарлигида биргина 1941 йилнинг ўзида республика аҳолиси 900 мингга яқин иссиқ кийим-кечак тўплаб жангчиларга юборди.

Й. Охунбобоев раҳбарлигида ўзбек халқининг делегацияси 1941 йил декабрида янги йил совғаларини жангчиларга топшириш учун Ғарбий фронтга борди. Й. Охунбобоев фронтга қилган сафарида олган унутилмас таассуротлари ҳақида бундай деб ёзган эди:

«Қуёшли Ўзбекистон халқи қадрдон жангчиларга дала ва боғларининг мева-чевалари: гуруч ва бодом, майиз ва ёнғоқ, олма, узум, вино, тамаки ортилган катта эшелон жўнатди.

Поезд қор босган далалар, қишлоқ станциялар ва катта шаҳарларни ўтиб Москвага борарди. Совет Иттифоқининг юрагига яқинлашиб борар эканмиз, ҳар бир делегат тезроқ етиб бориш, қаҳрамон жангчиларни ўз кўзи билан кўриш, уларга халқимиз йўллаган саломни етказиш иштиёқи билан ёнди.

Ниҳоят Москвага етиб келдик... Белорус вокзалининг перронида бизни Ғарбий фронт вакиллари кутиб олди. Биз улар билан туғишган ака-укалар каби, энг яқин дўстлар каби қучоқлашиб кўришдик. Уларга ўзбек халқи, Совет мамлакатининг барча халқлари каби доимо Москва билан бирга, қаҳрамон Қизил Армия билан бирга эканлигини айтдик».

Ўзбек халқининг делегацияси совғаларини генераллар Говоров, Захаркин ва Рокоссовский қисмларининг жангчиларига топширди. Й. Охунбобоев жангчиларга совғаларни топширар экан, уларнинг ҳар бирига самимий ва илиқ сўзлар топиб айтди, жангчиларни немис босқинчиларига қарши қаҳрамонона курашга чақирди.

Содиқ ленинчи, Совет давлатининг атоқли арбоблари-дан бири Й. Охунбобоев 1943 йил 28 февралда вафот этди. У ўзининг бутун кучини ва ҳаётини Октябрь инқилоби ғалабасини мустаҳкамлашга, республикамизда социализм қурилишига, халқ фаровонлигини оширишга, пахтачиликни ривожлантиришга бағишлади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон ССР-га Халқлар дўстлиги орденини топширишга бағишланган йиғилишда республиканинг тарихий тақдирида катта роль ўйнаган арбоблар қаторида Йўлдош Охунбобоев хизматларини ҳам ҳақиқий ўтган эди. Дарҳақиқат Йўлдош ота ўзининг ёркин ва жўшқин ижодий ҳаёти билан унутилмас из қолдирди.

Ҳ. ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси.

БЕШИЙЛЛИК ЗАРБДОРЛАРИ «КПСС XXVI съездини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб оламиз!» — Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективининг аҳди шундай. Суратларда: корхонанинг илғор ишчилари — Рихсивой Раимов билан Фарида Содиқова ўртоқларни кўриб турибсиз.

В. Сироткин фотолари.

ЙИЛЛИК ПЛАН — 7 НОЯБРГАЧА

Республикамиз меҳнаткашлари КПССМарказий Комитети 1980 йил июнь Пленумининг партиямиз XXVI съездини чақириш тўғрисидаги қарорини баланд руҳ билан кутиб олдилар. Улар партиямизнинг навбатдаги съезднинг муносиб тухфалар тайёрлаш, ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили топшириқларини 7 ноябргача бажариш учун курашмоқдалар.

ТАШАББУСГА ҚЎШИЛИБ

Жиззахдаги 1-қурилиш комбинатининг силикальцит заводи коллективи Москва саноат корхоналарининг илғор ташаббусини биринчилар қатори маъқуллади. Завод ишчи-хизматчилари якунловчи йил планини 7 ноябргача бажаришга сўз бердилар. Октябрь байрамигача қўрқ меҳнатчиларига 910 та бир қаватли коттежлар тайёрлаб бериш мажбуриятини олишди.

Ҳовли тўйларини барвақт ўтказиш учун бутун куч ва имконият ишга солинмоқда. Йил бошидан буён бош конвейерлардан самарали фойдаланиляпти. Бунинг ҳисобига ҳар ойда планга қўшимча равишда 8 та коттеж тайёрланмоқда.

Жиззах Қарши ва Мирзачўлнинг ўда қўплаб чўлқуварлари октябрь байрами арафасидаянги уйларга кўчиб ўтадилар.

ИЎЛСОЛАР ҒАЙРАТИ

Бухоро область автомобиль йўлари қуриш ва уларни фойдаланишга топшириш бошқармаси коллективи москвалиларнинг ватанпарварлик ташаббусига амалий иш билан жавоб беришга интилмоқдалар. Улар Улуғ Октябрнинг 3 йиллиги шарафига йилик топширикни бажариш ниятидалар. Йиллик топширик 300 километр йўлни ремонт қилиш ва бошқа ишлар амалга ошириш мўлжалланган. Бунинг учун эса 17 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади.

ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ОБЪЕКТЛАР—НАЗОРАТДА

СУРЪАТ НЕГА СУСТ?

Қашқадарё области экономикаси ва халқ хўжалиги йил сайин юксалиб бормоқда. Жадал ўзлаштирилаётган чўлларда янги-янги завод ва фабрикалар қад кўтаряпти. Келажакда мамлакатимизда йирик корхоналардан бири бўлиб қолувчи Косон ёғ-экстракция заводи қурилиши ана шундай объектлардан биридир. Хўш, бугунги кунда корхона қурилишида аҳвол қандай? Завод белгиланган муддат — шу йилнинг тўртинчи кварталида ишга тушадими!

Улкан корхона шу йилнинг охирига қадар қуриб битказилиши кўзланган. Унинг белгиланган муддатда қуриш ва ишга туширишда бош пудратчи ташкилот — 13-қурилиш трестининг 6-механизациялашган кўчма колоннаси коллективи зиммасига юкланган. Ҳозир бу ерга трестнинг 1-, 2-қурилиш-монтаж бошқармалари, «Ўзтрансспецстрой», «Ўзэлектромонтаж», «Ўзсантехгазмонтаж», «Ўзпромвентиляция» сингари 20 дан ортиқ қурилиш ташкилоти сафарбар этилган. Областнинг колхоз ва совхозларидан келган юзлаб ҳашарчи уларга яқин кўмакдош.

Завод қурилиши бундан уч йил олдин бошланган эди. Ҳозиргача бу ерда бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчи қурилиш ташкилотларининг кучи билан қарийб ўн миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари ado этилди. Жумладан, 6 қаватли бош корпус, марказий лаборатория, чигит магазини ажратиш, ёғ олиш, фильтрлаш, тиндириш цехлари ва омборхона қурилишларида иш қизғин. Ишлаб чиқариш цехларида пардоз ишлари давом этмоқда. Бош корпус қаватларида монтаж ишлари бошлаб юборилди. Цехларнинг ташқи деворлари керамзит панеллар билан ёпланди. Қурилиш участкалари ва бригадаларарО социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда. 13-қурилиш трестининг 1-қурилиш-монтаж бошқармаси, 6 ва 122-механизациялашган кўчма колонналарнинг ғишт терувчилари, бетончилари, дурадгорлари ва монтажчилари мусобақада олдинда боришмоқда.

Лекин бу қурилишда барча ишлар яхши кетяпти, деган гап эмас. Айниқса, ёрдамчи пудратчи ташкилотлар корхона қурилишида суст-кашликка йўл қўймоқдалар. «Каршистрой» бошқармаси, «Облколхозстрой», «Қашқадарьяводстрой» ва «Эскиангарканалстрой» сингари йирик трестларнинг ўнлаб ортиқ ташкилотлари ўзларига ажратиб берилган участкаларда етарли иш олиб бормаётирлар. Белгиланган графиклар орқада қолмоқдалар.

Рақамларга эътибор қилинг: «Облколхозстрой» трести коллективи зиммасига заводнинг маъмурий биносини қуриб битказиш юкланган. Коллектив бу ерда 403 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириши лозим. Аммо, трест белгиланган 150 минг сўмлик ишнинг атиги 36 минг сўмлигини бажарди, холос. Бу — трест коллективининг белгиланган графиклан 40—42 куни орқада қолаётганини кўрсатади.

Завод канализация, насос станцияси қурилишини ўз зиммасига олган «Каршистрой» бошқармаси қурувчиларининг иши ҳам кўнгилдагидек эмас. Аслида, объект шу йилнинг август ойида ишга туширилиши керак. Бунинг учун бу ерда 150 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиши лозим. Афсуски, бошқарма бунёдкорлари станция қурилишини ҳануз бошлаганлари йўқ. Шунингдек, улар завод ишчилар посёлкасида тикланиши керак бўлган икки коттеж (ҳар бири 40 минг сўмлик) қурилишини ҳам пайсалга солмоқдалар.

Корхона омборхонаси ёнида тикланаётган автомашиналар қабул пункти қурилиши дастлаб жадал бошланди-ю, кейин суст лашиб қолди. «Эскиангарканалстрой» трести коллективининг айби билан 72 минг сўм ўрнига 40 минг сўмлик иш бажарилди. Худди шундай хотиржамлик ҳолларини корхона қурилишида иштирок этаётган «Қашқадарьяводстрой» трести ва «Промэнергомонтаж»нинг 96-махсус трестига қарашли Дедов участкаси қурувчилари фаолиятида ҳам кузатиш мумкин. Улар ўзларига ажратиб берилган участкаларда яқин уч ойдан буён ишлаётган бўлсалар-да, ҳали етарли миқдорда ишчи кучи ва техника воситаларига эга эмас.

Корхона қурилиши область партия комитети ва область ижроия комитетининг оталигига олинган. Заводда қурилиш штаби иш олиб боряпти. Штабда ҳар ҳафтада икки марта кунлик графикларнинг ижроси таҳлил қилинмоқда. Қурилиш суръатини тезлаштириш ва йўл қўйилган камчиликларни тузатиш тадбирлари белгиланаётир. Бу жуда ибратли иш. Лекин, штаб завод қурилишига областнинг колхоз-совхозларидан, қурилиш ташкилотларидан сафарбар этилиши керак бўлган ишчи кучлари таъминоти, назоратини бўшаштириб юборди. Масалан, шу йилнинг март ойидан бошлаб бу ерда 1400 нафар ҳашарчи меҳнат қилиши керак эди. Афсуски, ҳозир қурилишга Қарши шаҳридан 100 ўрнига 70, Қарши районидан 150 ўрнига 68, Косон районидан 200 ўрнига 92, Деҳқонобод районидан 100 ўрнига 26, Косон шаҳридан 150 ўрнига 78 нафар қурувчи келган, холос. Яна бир ачинарли томони шундаки, қишарга келган қурувчиларнинг кўпчилиги зарбдор объект қурилишига алоқаси бўлмаган, мутахассислиги тўғри келмаган кишилардир. Улар ғишт териш, суворқ, бўёқ, монтаж ишларини мукаммал билмайдилар. Натижада, ҳашарчилар объектда 3—4 кун ишлагандан сўнг қайтиб кетишга мажбур бўлмоқдалар. Бу ҳол завод қурилишига суръатига жиддий таъсир қиляпти, албатта. Бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчи ташкилотлар белгиланган графикни бажармаётилар. Биргина мисол. Ўтган ойда бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчи ташкилотлар белгиланган графикни эўрга 72 процент бажаришди.

Айрим таъминотчи корхоналарнинг шартномада белгиланган бинокорлик материалларини ўз вақтида етказиб бермаётганлиги ҳам завод қурилиши суръатига тўғаноқ бўлмоқда. Тошкент шаҳридаги 1-механика экспериментал заводи шу йилнинг май ойида корхонага 95 тонна металл конструкциялар юбориши лозим эди. Афсуски металл конструкциялардан дарак йўқ. «Главстройиндустрия» бирлашмаси қурилишни 250 кубометр темир-бетон ва деворбоп панеллар билан таъминлаш борасидаги мажбуриятларини пайсалга солмоқда. Монтажчилар лойиҳадаги металл конструкциялар етишмаётганлиги сабабли бошқа маркадаги металл конструкцияларни ишлатишга мажбур бўлмоқдалар.

Косон ёғ-экстракция заводи келажакда мамлакатимизда йирик корхоналардан бири бўлади. У ишга тушгач, бир кеча-кундузда 1200 тонна чигитни қайта ишлаш, 200 тонна ёғ, 500 тонна шелуха, 500 тонна қунжара ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Бундай улкан корхонани тезроқ қуриш ва ишга туширишни ҳаётнинг ўзи тақозо этиб турибди. Шундай экан, завод қурилишида иштирок этаётган барча ташкилотларнинг бугунги вазифаси — яқин кунлар ичида белгиланган графикка етиб олишдан, май ойида бажарилмай қолган 760 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бекамчи-кўст уддалашдан, корхонани белгиланган муддат — шу йилнинг тўртинчи кварталида ишга туширишдан иборат. Зарбдор объектга зарбдор суръат керак.

Ш. ҚУРБОНОВ,
«Қашқадарё ҳақиқати» газетаси ходими.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛАРИ ИЗИДАН

«МАТБУОТ СИГНАЛИГА ЭЪТИБОР ҚАНИ?»

Юқоридаги сарлавҳа остида босилган (газетанинг шу йил 21 март сони) танқидий мақолада Тошкент шаҳрининг Киров районидаги 21-поликлиникада санитария-гигиена қоидалари бузилаётгани, биноннинг ўзи эса талабга жавоб бермаётгани, бу борада тегишли ташкилотларга қилинган мурожаатлар оқибатсиз қолаётгани ҳақида сўз борган эди. Ушбу мақола юзасидан ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ қуйидаги мазмунда жавоб йўллаган.

Мақолада таъкидланган фактлар текширишда тасдиқланди. Ҳозирги кунда «Тошгипрогор» институти томонидан 21-поликлиниканинг уч қаватли биноси қурилишининг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлаб қўйилди.

Шаҳар план комиссияси ва капитал қурилиш бош бошқармаси зиммасига Ўзбекистон ССР Госплани билан биргаликда поликлиника қурилишини ўн биринчи беш йиллик планига киритиш вазифаси топширилди. Соғлиқни сақлаш бош бошқармасига 21-поликлиника маъмурияти билан биргаликда бинони капитал ремонтдан чиқариш вазифаси юкланди. Газета мақоласида кўтарилган фактлар поликлиника ходимлариртасида кўриб чиқилди. Шифохонада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш тадбирлари ишлаб қилди.

«ЗАРНИ КИМ ЎПЛАЙДИ?»

Шу сарлавҳа билан босилган («Совет Ўзбекистони»нинг шу йил 22 февраль сони) мақолада Қарши районидаги Ғалъе номли совхоз фермаси ер хашакни исроф қиш ҳоллариga йўл қўйилгани таъкидланган эди.

ҚАРШИ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИДАН олинган хабар мақолада келтирилган фактлар текширишда тўғри бўлиб чиққани маълум қилинади. Текшириш якунида район партия комитетинг Энгельс номли совхозда ўтказган кўчма бюроси атрофлича муҳокама қилган. Фермада исроф-гарчиликка йўл қўймаслик, ва орвадорлар ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни кучайтириш чора-тадбирлари белгиланган. Ем-хашак исроф-гарчилигига йўл қўйган ферма мири А. Нуриммовдан [illegible]тган зарар [illegible]оди ва у қатти[illegible]ланган эди. Фермадаги ўтмишдаги аниқ[illegible]ни лаборат[illegible] ташкил этди.

СЕМИНАР-КЕНГАШ

НУРОТА. Бу ерда Ўзбекистон областлари мелиораторларининг республика кўргазмали семинар-кенгаши бўлди. Семинар-кенгашда республикамиз махсус механизациялашган кўчма колонналари, қурилиш-монтаж бошқармалари ва хўжаликлараро сув иншоотлари ходимлари, гидротехниклари иштирок этдилар.

Кенгашда қишлоқ хўжалик экинлари маҳсулдорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, яйловларда загон системасини кенг жорий қилиш, назенгор ва саксовулзорларни кенгайтириш, ерости сувларидан рационал фойдаланиш, қувурли қудуқлар барпо этиш, сув чиқариш насосларини ишлатиш тажрибалари ўртоқлашилди.

Сурхондарё области. Термиз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози боғбонларининг ниши ҳар қачонгидан кўпайган. Улар 45 гектарлик боғ ва тонзорда мўл ҳосил етказишмоқда. Бу йил эл дастурхонига 30 тонна чиллаки етказиб бериш мажбуриятини олишган. Суратда: боғбон қизлар Урозгул Муҳаммадиева ва Зумрад Ғуломова узум узишяпти.

И. Хўжаев фотоси. (ЎзТАГ).

Биологик методга кенг йўл

ШУ КУННИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

✦ Ҳар бир хўжалик ўзининг биологик лабораториясига эга бўлсин. Заҳарли химикаллар ўрнига биопрепаратлардан унумли фойдаланайлик

✦ Биолабораториялар плакатлар, кўргазмали қуроллар, брошюралар билан таъминлансин. Асбоб-ускуналар билан тўла жиҳозлансин

Кейинги йилларда Қорақалпоғистон Автоном Республикасида пахта, шоли ва бошқа экинлар ҳосилдорлиги ошди. Натижада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш кескин кўпайди. Колхоз, совхозларда пахтачилик, шоличилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантиришнинг катта резерв ва имкониятлари бор. Бу резервларнинг бири янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига экин майдонларини кенгайтириш бўлса, иккинчиси — деҳқончилик маданиятини янада юксалтиришдир. Яқин келажакда автоном республикада пахта етиштириш 500 минг тоннага, шоли етиштириш эса 1 миллион тоннага етказилади.

Шундай муҳим вазифа турган экан, кўзланган мақсадга эришмоқ учун зарарли ҳашаротларни бутунлай йўқотмоғимиз, етиштирилаётган маҳсулотларни ана шу ҳашаротларга ем қилиб қўймаслигимиз керак. Деҳқончилигимизга зарар келтирадиган ҳашаротларга қарши заҳарли моддалар билан бир қаторда биопрепаратлар билан қарши кураш олиб боришимиз лозим.

СССР Конституциясининг 67-моддасида «СССР гражданлари табиатни муҳофаза қилишлари, унинг бойликларини қўриқлашлари лозим» деган сатрлар бор. Ана шу модда юзасидан Қорақалпоғистон Автоном Республикасида катта ишлар амалга оширилди. Ўтган йили ғўза ва бошқа экинларни зарарли ҳашаротлардан сақлаб қолишда биологик методнинг ёрдами катта бўлди. Бу — янгилик, албатта.

1979 йилда Амударё районидаги М. Пирманов раислик қилаётган Тельман номли, Тўрткўл районидаги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Ёшмуротов раислик қилаётган «Коммунизм» колхозларида биринчи марта биолабораториялар ташкил қилинганига қарамасдан ажойиб натижаларга эришилди. «Коммунизм» колхозида 816 гектар, Тельман номли колхозда 214 гектар майдондаги пахтазорда биологик метод асосида зарарли ҳашаротларга қарши кураш олиб борилди. Бу йил ана шу хўжаликлар ўтган йилга нисбатан ана катта майдондаги пахтазорларда биологик метод асосида зарарли ҳашаротларга қарши курашни мўлжаллаб турибдилар.

Қорақалпоғистон область партия комитети ва Автоном республика Министрлар Совети табиатни муҳофаза қилиш мақсадида катта ишларни амалга оширмоқдалар. Ўтган беш ойда автоном республика колхоз ва совхозларида 19 та хўжаликда примитив усулда бўлса ҳам биологик лабораториялар ташкил қилинди. Ҳамаси бўлиб 23 та биолабораорияда 100 дан кўпроқ мутахассис амалий иш олиб бомоқда.

— Трихограма билан заҳарли ҳашаротларга қарши кураш олиб бесак, — деди Беруний номли совхоз директори Қ. Утепов, — биринчидан, табиатни муҳоза қиламиз, озоданликни қлаймиз, иккинчидан, ая сифатли маҳсулот етиштиришга эришамиз. Биз бийл камида 250 гектар маридаги пахтазорларда биологик метод билан заҳарли ҳашаротларга қарши биологик препаратлар билан кураш олиб боришнинг оммалашувига хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалигида юқори ҳосилдорликни таъминлашнинг энг муҳим усулларидан бўлган зарарли ҳашаротларга қарши биологик методлар билан курашнини амалга ошириш фақат айрим ташкилотларнинг эмас, балки бутун қишлоқ хўжалик ходимларининг муҳим иши бўлиб қолди. Бугунги кун, ҳаёт тақозоси ана шундай.

Ҳ. МИРПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг катта маслаҳатчиси.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТАШАББУСГА КЕНГ ЙЎЛ

50 ЦЕНТНЕРЧИЛАР МУСОБАҚСИ

Бўз районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Партия XX съезди» совхози, Пахтаобод районидаги Еқубов номли, Избоскан районидаги «Партия XX съезди», Ленин районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Правда Востока», Москва районидаги «Қизил Юлдуз» колхозларинипахтакорлари КПСС Марказий Комитетининг июл 1980 йил) Пленуми қарига жавобан, Ўнинчи йиллик план топшириши муддатидан илгаражаришни кўзда тутиб,ловчи йилда ҳар гектаан 50 центнердан «оқ ин» етиштириш ташаббуси билан майдонга чиқдилар. Улар бу борада улкан тадбирлар белгилаб, изчил амалга оширмоқдалар.

Андижон область партия комитети машъал хўжаликларининг ватанпарварлик ташаббусини маъқуллаб, қарор қабул қилди. Областнинг барча колхозлари ва совхозларида эллик центнерчилик ҳаракати кенг қулоч ёймоқда.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПЛАНЕТАМИЗДА

«ИНТЕРКОСМОС» АМАЛДА

КОСМОС — ТАДҚИҚОТЛАР ОБЪЕКТИ

Бухарестдаги техника музейининг энг қимматли ва севимли экспонатларидан бири — ҳақиқий «луноход»дир. Уни совет конструкторлари музейга тақдим қилишган. Бу совға Руминия фанининг космосни ўрганишдаги ҳиссаларига эътирофи, икки мамлакат олимларининг шу соҳадаги яқин ҳамкорлиги гувоҳидир.

Дарҳақиқат Руминия Социалистик Республикасида космик тадқиқотлар «космик аср»нинг дастлабки кунлариданоқ бошланган. 1958 йилдаёқ Бухарестдаги ва Клуж-Напока обсерваториялари сунъий ер йўлдошлари парвозларини мунтазам кузатиб турдилар. Кейинчалик физикавий тадқиқотлар кенгайтириб юборилди. Руминия мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган аппаратлар социалистик мамлакатларнинг халқаро «Интеркосмос» программаси доирасида учирилган кўпгина йўлдошлар ва ракеталар бортларида муваффақиятли ишлаб, Ерга қимматли илмий ахборотларни бериб турди.

Бу йўналишда, айниқса Бухарестдаги марказий физика институти самарали ишламоқда.

— «Интеркосмос» программасида, — деб ҳикоя қиладилар институтнинг бош директори Мариян Ивашку, — биз баъзи космик парвозлар вақтида ўз аппаратларимиз, ва тажрибаларимиз билан қатнашямиз. Ҳозирги вақтда махсус мавзуларга бўйича миллий программани амалга оширишга тайёргарлик кўряпмиз.

Институтда яратилган, масалан Еркинг магнит майдонини янада аниқ ўрганиш учун мўлжалланган магнитометр космик техника янгилиги бўлди. У 1978 йилда учирилган «Интеркосмос—18» йўлдоши илмий программасида қўл келди. Бу асбоб ёрдамида магнит майдонининг вектор компонентларини ўрганиш — совет ва румин олимлари ҳамкорлигида олиб борилди. Бу тадқиқотлар қуёш энергиясининг ерга узатиш жараёнларини аниқлашга ёрдам беради, амалий соҳада планетамиз табиий бойликларини топишнинг самарали йўлини очади.

«Интеркосмос» программасида Клуж-Напока шаҳридаги изотоп ва молекуляр технология институти коллективи ҳам актив қатнашмоқда. Энг аввало бу ерда яратилган оригинал массспектрометрни ёслатиб ўтиш лозим. У 1978 йилда «Вертикаль — 7» ракетаси бортидан азот изотопларининг атмосфера юқори қатламларида тарқалиши ҳақидаги хабарни берган эди.

«Космос» туркумидаги йўлдошлар парвозларни вақтидаги румин олимлари ўтказаётган биологик тажрибалар ҳам эътиборга моликдир. Улардан мақсад — космик нурланишнинг тирик организмларга таъсирини ўрганишдир.

В. САМОШКИН.
Бухарест.
(АПН).

ЭРОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ТЕҲРОН, 30 июнь. (ТАСС). Эрон президенти Банисадр бу ерда гапириб, гаровга ушлаб турилган американликлар яқин вақт ичида озод қилинмаслигини айтди. АҚШнинг Эронга нисбатан сиёсати аввалгича қолди ва Вашингтон ҳамон бу мамлакатни «ўз маҳрига тушган жой» деб ҳисобламоқда, деб таъкидлади у. Банисадр шу муносабат билан Ғарбий Европа давлатларига тазйиқ ўтказиб, Вашингтоннинг Эронга қарши иқтисодий «жазо чоралари»га қўшилишга мажбур этишга уринаётган Америка раҳбарларининг хатти-ҳаракатини танқид қилди. Айни вақтда у мамлакат иқтисодий ишкалликларни бартараф қилиш ва ағдариб ташланган шоҳ режимининг жинояткорона фаолияти оқибатларини тугатиш давомида ҳали ҳам катта қийинчиликларга дуч келаётганини таъкидлади.

Эрон революциясининг раҳбари оятилло Ҳумайнининг сўнгги нутқлари муносабати билан бу ерда «муассасаларни тозалаш ва соғломлаштириш комиссияси» тузилганлиги эълон қилинди. Комиссия ўзининг биринчи баёнотида муассасаларнинг раҳбарларига бланклар, байроқлар, дарвозалардаги, ҳукумат муассасалари жойлашган биноларнинг пештоқлари ва деворларидаги шоҳ герблари тарзида тасвирланган эски режимнинг ҳамма тимсолларини тугатишни таклиф қилди. Бюрократия ва сансалорликка, талон-торож ва гирромликларга қарши кураш комиссиянинг вазифасидир.

Комиссия жуда қисқа муддат ичида давлат идоралари ва министрликларни «шоҳ махфий полицияси жосусларидан —аксилиқилобчиларидан» тозалаш ниятида экаҳини эълон қилди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

БУДАПЕШТ. Венгриядаги қурувчилар шу йилнинг беш ойи мобайнида аҳолига 11 мингдан зиёд шинам квартираларни «аъло» баҳо билан топширди. Мамлакатда энг янги техникани жорий қилиш, биноқорлик материалларидан оқилона фойдаланиш натижасида йил сайин тез суръатлар билан кўпроқ уй-жой қурилмоқда. Уйсозлик комбинатларининг коллективлари қурувчиларга катта ёрдам бермоқдалар. Бу комбинатларнинг тўқиқизаси Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилди.

БРЮССЕЛЬ. Бельгия ўз территориясида ўртача масофадаги Америка ракета-ядро қуролини жойлаштиришдан кейин Европа ҳамкорлик ташкилотлари ва Америка ўртасидаги ядро қуролини чеклаш ва қисқартириш тўғрисида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар билан НАТОга аъзо бўлган мамлакатлар ўртасида музокаравар олиб боришни ҳам талаб этди ва шу муносабат билан АҚШ сенати СКЧ-2 шартномасини ратификация қилиши зарур эканлигини таъкидлади. К. Бан Миерт «Суар» газетасида босилган суҳбатида НАТО бош секретари Й. Лунснинг Бельгия ҳукумати Америкаининг ракета-ядро қуролини жойлаштириш тўғрисидаги мақсадини тезроқ ҳал этишни талаб қилганлигини қоралади.

ТУНИС. Тунисининг шимолидаги Жумин дарёсида Совет Иттифоқининг ёрдами билан тўғон қурила бошланди.

Бу ерда Совет мутахассисларининг лойиҳасига мувофиқ вужудга келтириладиган гидроузел 1,5 минг гектар қишлоқ хўжалик ерларини суғориш ва Бизерта ҳамда Тунис шаҳарларини Жумин дарёсининг ичимлик суви билан таъминлаш имконини беради.

Тунис бош министри М. Мзали қурилиш ишларини бошлаш маросимида сўзлаган нутқида бу тўғон, шунингдек СССРнинг ёрдами билан қурилаётган Жумин—Межерда канали ва Резала дарёсидаги тўғонлар Тунис қишлоқ хўжалигининг ва умуман мамлакатнинг экономикасини ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтди.

(ТАСС).

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

БАҒДОД. Ироқ пойтахтида озиқ-овқат проблемаларига бағишланган араб мамлакатлараро семинар очилди. Семинар ишида кўпгина араб мамлакатларининг экспертлари, шунингдек бир қанча регионал ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари қатнашмоқдалар. Улар араб мамлакатларини озиқ-овқат билан таъминлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш проблемаларини муҳокама қиладилар.

ЖАЗОИР. Жазоир Миллий озодлик фронти партияси Марказий Комитетининг навбатдан ташқари пленуми очилди. Унинг ишига МОФ партиясининг бош секретари Шадли Бенжадид раҳбарлик қилмоқда. Пленум иштирокчилари Жазоир Халқ Демократик Республикасини иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг 1980—1984 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани бош йўналишларини МОФ партияси навбатдан ташқари съездида маъқулланган директиваларга мувофиқ равишда белгилайдилар, шунингдек МОФ Марказий Комитети 3-пленумининг қарорлари ҳамда МОФ партиясининг Уставига съездда киритилган ўзгартишлар асосида партия ва Марказий Комитетнинг ички фаолиятини тартибга солувчи бир қанча ҳужжатларни қабул қиладилар.

САН-ФРАНЦИСКО. АҚШ ўрушга қарши ҳаракатининг таниқли арбоблари Д. Эллсберг билан руҳоний Д. Берриган президентга, давлат департаменти ва юстиция министрлигига мактуб йўллаб, АҚШни чет элларда яна ҳарбий авантюраларга тортиш ҳавфини келтириб чиқараётган милитаристик йўлга қарши норозилик билдирдилар. Ҳукуматнинг мамлакатни милитарлаштиришга ва Америка ёшларини Пентагоннинг «тўп емиғига айлантиришга қаратилган ҳаракатлари «ғайри инсоний» ҳаракатлар бўлиб, Америка халқининг ҳақиқий манфаатларига зиддир, деб уқтиришди улар. Мактубда Вашингтоннинг хатти-ҳаракатлари «ядро қуроли билан қуролланиш пойгасини кучайтиришга олиб боради, деб таъкидланади.

ТОКИО. Хитойдан ипак ва газлама импорт қилиш масалалари юзасидан бу ерда ўтказилган икки кунлик Япония — Хитой савдо музокаралари ҳеч қандай натижасиз тугади. Япония томони Пекин вакилларининг бу йил Хитой маҳсулотини Японияга бозорига етказиб бериш ҳажмини саноат даражасида сақлаб қолиш тўғрисидаги талабларини қондиришдан бош тортди. Хитойдан анча арзон газлама, кийим-кечак ва енгил саноатнинг бошқа маҳсулотларини Японияга келтириш худди мана шундай маҳсулот ишлаб чиқарувчи маҳаллий фирмаларнинг норозилигини тобора кучайтирмоқда. Улар ҳукуматдан ўз манфаатларини ҳимоя қилишни талаб қилмоқдалар. Иқтисодий обзорчилар иккала мамлакат ўртасида савдо-сотиқ соҳасидаги ихтилофлар янада кучаяди, деб тахмин қилмоқдалар.

(ТАСС).

ХАТАРЛИ ЙЎЛДАН

Кейинги вақтда Пекин — Вашингтон — Токио учбурчагида дипломатия соҳасидаги фаолият кучайтириб юборилганлиги сезилиб турибди. ХХР Давлат Кенгашининг раиси Хуа Гофэн визит билан Токиода бўлган кунларда унинг ўринбосари, айни вақтда Хитой Компартияси Марказий Комитети ҳарбий кенгаши секретариатининг бошлиғи Гэн Бяо ҳам АҚШда музокаралар олиб борди. Япониянинг бош министри М. Охира ўтган йилнинг декабрида Пекинда бўлди, шу йилнинг январь ойида эса Америка мудофаа министри Г. Браун дастлаб Хитойга, сўнгра Токиога борди.

Хуанинг Японияга ва Гэн Бяонинг АҚШга бир вақт ичида қилган визитлари тасодифий бир ҳол эмас эди. Бу визитлар кўп жиҳатдан муштарак мақсадларни кўзда тутди.

Хитой раҳбари Токиога қилган биринчи расмий визити вақтида «совет хавфи» тўғрисидаги уйдирмаларни тўқиб, Японияниг сиёсатида Советларга қарши тенденцияларни кучайтириш, яъни уни антисовет блокка жалб этиш учун ўз ҳарбий-саноат потенциалини ошириш учунгина эмас, Шарқи-Жанубий Осиёда шу региондаги давлатларнинг манфаатларига зарар етказган ҳолда ўз позицияларини мустаҳкамлаш учун ҳам бу мамлакатдан фойдаланишга уринib кўрди. Пекин шундай блокни тузиш учун бир неча йилдан буён ҳаракат қилиб келмоқда.

Хуанинг ўз сафари тамом бўлиши билан Токио радиоси ва телевидениеси орқали берган кенг баёноти Пекиннинг ана шу шилқимлигини жуда яққол тасдиқлади. Аввало у «социал империализм (маочилар Совет Иттифоқини шу ном билан атайдилар) билан қурашмоқ учун кенг халқаро фронт»ни тузиш зарурлигига Токиони ишонтириш мақсадида гап сотишдан тортинib турмади. Тузилмоқчи бўлган антисовет иттифоқида Япония роли ва ўрни, унинг ҳарбий куч-қудрати билан белгиланиши керак. Пекин бу иттифоқнинг куч-қудратини зўр бериб оширишга даъват этмоқда.

Бу соҳада жуда галати ишлар содир бўлмоқда: Пекин арбобларининг сурбетларча ошкора ҳаракат қилаётганлиги Япониядаги милитаристик доираларни ҳам кўпинча мушкул аҳволга солиб қўяди. Пекин арбоблари бу доираларнинг яширин фикрларини дангал изоҳ қилмоқдалар. Масалан, Хуанинг Токиога келиши арафасида Пекин Япония қуролли кучларга ҳозиргидан икки баравар кўпроқ маблағ сарф қилиши керак ва «Япония ҳарбий жиҳатдан энг қудратли давлат бўлиб қолар экан, Хитой бунга ажабланмайди», деди. Япония жамоатчилиги гиж-гижлаш мақсадида айтилган бундай гапларга шу қадар кескин қарши чиқдики, бу ҳол Токионинг расмий доираларини «Япониянинг ички ишларига аралашиш йўлидаги уринiш» деб ҳисоблаб, бу гапларга кўнилмаганлигини ошкора айтишга мажбур бўлди.

Пекин Японияда милитаристик кайфиятларнинг кучайтирилишини ҳар қандай тарзда рағбатлантириш билан бирга «совет хавфи» тўғрисидаги уйдирмалари Японияда муайян доираларни Пекиннинг ҳарбий соҳадаги жизоакилигини яхши «тушуниб олиб» иш кўришга ундайди, деб умид қилади.

Хитой жуда катта мол сотиш бозори ва арзон ишчи кучлари манбаи сифатида Японияниг эътиборини ўзига жалб этади. Япония Хитой билан яқинлашиш йўлидан боғаётган бўлса ҳам, ўзининг «бетайин» қўшнисига кучайиб боришидан жиддий хавфсирамоқда.

Гэн Бяонинг Қўшма Штатларга қилган сафари вақтида нималар тўғрисида гаплашиб олинди? Пекиннинг ҳарбий вакили ўз отахони Японияда қандай иш кўрган бўлса, у ҳам АҚШдаги хўжайинлари олдида Афғонистон, Вьетнам, Кампучия воқеалари муносабати билан Совет Иттифоқининг сиёсатига туҳмат тошини ёғдирди. У социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг тинчликсеварлик борасидаги янги ташаббусларига жон-жаҳди билан қарши чиқди, мавжуд бўлмаган «совет хавфи» тўғрисида наъра тортди, антисовет иттифоқини вужудга келтиришга «бамаслаҳат келишиб олиб, ҳаракат қилиш»га чақирди.

Бундай «ҳаракатлар» амалга нимадан далолат берганлигини масалан, Дэн Сяопинининг ўтган йили АҚШга қилган визити тамом бўлиши билан Хитойнинг қаҳрамон Вьетнамга қарши агрессия бошлаганлиги яққол исбот этади. Ҳозирги вақтда эса Вашингтон билан Пекин худди шу тарзда келишиб олган ҳолда бир ёқадан бош чиқариб, Афғонистон Демократик Республикасига қарши эълон қилинмаган урушни Покистон территориясидан давом эттирмоқда.

Шу сабабли Гэн Бяо Қўшма Штатларда озиз меҳмондек кутиб олинганлигига ажабланиб бўладими? Президент Картер у билан учрашганидан кейин Пекинни Қўшма Штатларнинг «янги буюк дўсти» деб атади. Вашингтон ҳукуматининг ҳар қандай арбоби қадам қўя олмайдиган жойларга Гэн Бяо бемалол бора олди. Пекиннинг вакили ҳарбий корхоналарда бўлди, махфий базаларни, лабораторияларни, ҳарбий кемаларни кўздан кечирди. Унинг шарафига энг янги техниканинг жанговар имкониятлари намойиш қилинган ҳарбий машқлар ўтказилди.

Оқибат натижада Қўшма Штатлар радиолокация станцияларини, «С-180» маркали ҳарбий транспорт самолётлари, вертолётларни, ракета двигателлари синаб кўриладиган ускуналарни, кўп юк ортиладиган автошатакларни, ҳар хил алоқа воситаларини, олдиндан огоҳлантириб турадиган локаторларнинг антенна қурилмаларини Хитойга сотишга рози бўлди. Вашингтон электрон-ҳисоблаш техникасининг баъзи турларини, вертолётларни ва саноатнинг бошқа буюмларини ишлаб чиқариш учун кераклиги ускуна ва технологиянинг Хитойга экспорт қилинишига ҳам рухсат берди. Ана шу буюмлардан граждан мақсадларида ҳам, ҳарбий мақсадларда ҳам фойдаланиш мумкин.

Музокаралар тамом бўлганидан кейин Гэн Бяога Хитой АҚШдан қурол-яроғ сотиб оледими, деган савол берилди. «Мен, — деб таъкидлади у, — келажакда бундай имконият пайдо бўлади, деб ўйлайман».

Хитой билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар шу вақтгача бир-бирларига ҳарбий делегациялар юбориш, ҳарбий объектларни бориб кўриш билан чекланиб қолган эди. Пентагон раҳбари Г. Браун «ҳар икки мамлакатнинг қуролли кучлари ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда янги муҳим босқич бошланди», деб эълон қилганлиги бежиз бўлмаса керак. АҚШ давлат секретари Э. Маски эса, халқаро майдондаги барча йирик масалаларда АҚШ билан ХХРнинг нуқтаи назарлари «бир-бирига ўхшаш ёки бир хил бўлди» деди.

Шу нарса аниқ равшанки, Америка ҳарбий техникасининг етказиб берилиши Хитойнинг гегемончилик сиёсатига моддий база яратиб беради, уни Вьетнам Социалистик Республикасига, Кампучияга, Ҳиндистонга қарши ва бошқа мамлакатларга қарши янги жиноий авантюралар қилишга рағбатлантиради. Ваҳолонки, Пекин қўшни давлатларнинг территориясини даъво қилаётганлиги ҳаммага, шу жумладан, Америка маъмуриятига ҳам яхши маълум. Ана шу давлатларнинг бутун территорияси Хитой территориясидан катта!

Шу билан бирга Пекиннинг гегемончилик ниятлари билан Вашингтоннинг империалистик манфаатлари ҳамиша ва ҳамма соҳада бир-бирига мос бўлиб тушади, деб ўйлаш соддадиллик бўлур эди. Ҳар қалтис ўйин қилмоқдалар, уларнинг ҳар бири ўз мақсадларини кўзда тутади. Бинобарин, «бир кўрпада ётсалар ҳам, ҳар хил туш кўрадилар», деган хитой мақолини Америка билан Хитойнинг яқинлашувига нисбатан тўла равишда қўлланиш мумкин. Мамлакатларнинг ҳар бири ўз шеригини Совет Иттифоқи билан низолаштириб қўйишни истайди ва бунда энг кўп ютиб чиқаман, деб умид қилади. Пекин бунда тог чўққисида туриб, «икки арслоннинг жанги»ни кузатиб турувчи маккор маймуннинг ролини ўйнашни хаёл қилади.

Хитойнинг АҚШга нисбатан тутган сиёсатига қандай баҳоналар сабаб бўлганлиги тамомила равшан: Пекин раҳбарлари ашаддий антисоветизмни намойиш қилиш йўли билан АҚШдаги ва бошқа империалистик давлатлардаги ҳукмрон доиралар назарида обрў-эътибор қозонишга умид боғлайди. Улар ўз ҳарбий потенциалини ошириш учун Ғарбнинг кўпроқ моддий ёрдам беришини кўзлаб, Хитойнинг заифлигига тезроқ барҳам бериш Ғарбнинг манфаатларига мос бўлиб тушади, деб исбот қилишга уринмоқдалар. Хитой раҳбарлари, аввало Осиё регионига нисбатан гегемончилик ниятларини амалга ошириш учун ҳам Ғарбдан фойдаланмоқчи бўладилар.

Вашингтондагилар ҳам бунга яхши англайдилар. Масалан, сенатор Ж. Макговерн қатъий қилиб шу гапларни айтди: «1979 йилнинг бошларида «Вьетнамнинг адабини бериш» учун ҳарбий қучдан фойдаланган хитойлар вақти келиши билан Ҳиндистон, Таиланд, Жанубий Кореяга ва ҳатто Японияга ҳам тазйиқ ўтказиш учун Америка қуролларини ишлатиб, муайян даражада наф кўра оладилар...»

Вашингтонга келганда шуни айтиш керакки, у «Хитой картаси»да ўйнаб, Совет Иттифоқига дўқ-пўписа қилиш ва тазйиқ ўтказиш учун бу картадан фойдаланишга уринмоқда. Бундай уринишлар ҳамиша барбод бўлиб келди ва бундан буён ҳам барбод бўлаверади. Қўшма Штатлар ўзининг империалистик режаларида Пекин зиммасига дастёрлик ролини юклайди ва Хитой билан ҳамкорликни Осиёда ўз таъсир доирасини кенгайтириш учун фойдали восита деб ҳисоблайди. Вашингтон Пекин билан биргаликда ҳаракат қилиб, Вьетнамдаги мағлубиятдан кейин шарти кетиб, парти қолган ўз позицияларини жаҳоннинг ана шу кенг районида мустаҳкамлаб олишга умид боғламоқда.

Ана шу калтабинларча ва жуда хатарли ўйинда кимкимни «ютиб чиқиши»ни келажак кўрсатади. Аммо американликлар ҳозирнинг ўзидаёқ хитойлар билан тенг асосда гаплашилган тақдирда, уларнинг қандай ҳаракат қилишлари тўғрисида жиддий фикр юритмай қололмайдилар. Вашингтон ҳозирча шундай пайт келган эмас, деб ўз-ўзига тасалли бериши мумкин. Бу рост гап. Аммо бошқа гап ҳам рост: Қўшма Штатлар территорияси ўзининг бутун тарихида биринчи марта Хитой ракеталари етиб бора оладиган территория бўлиб қолди.

Хитой арбобларининг Токио билан Вашингтонга қилган сафарлари Пекин сиёсатининг гегемончилик, антисовет моҳиятини янада кўпроқ фош қилиб ташлади. Бу сиёсатнинг халқаро вазият кескинлашган бир шароитда умумий иқлимга ўтказаётган салбий таъсири кучайиб борянти. Хитой раҳбарлари буюк давлатчилик йўлининг ривожланишида янги босқич тобора очиқ равшан кўринмоқда: Пекиннинг сиёсатида империализмга хизмат қилиш йўли империалистлар билан яқиндан иттифоқ тузишга олиб келди, бу иттифоқ эндиликда сўздагина эмас, балки «биргаликда қилинадиган ёки бир-бирига ўхшаш ҳаракатлар»да намоён бўлмоқда.

А. АЛЕКСАНДРОВ.
(ТАСС).

ФАН — ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

АЖОИИБ ҚОПЛАМА

Тошкентдаги «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида кукунсимон полимер қоплама материал яратилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу композицион материал билан турли шаклдаги металл маҳсулотларни қоплаш мумкин. Унинг таркибида поливилбутирал, паст ва юқори босимдаги полиэтилен ва канифоль бор. Янги қопламани саноатнинг турли тармоқларида, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда қўлланиш тавсия этилади.

СССР Кашфиёт ва ихтиролар давлат комитети ташқи безак сифатида ҳам ишлатиш мумкин бўлган бу қоплама маҳсулотни ихтиро деб қайд этди.

ЧИҚИНДИДАН БЎЁҚ

Бино деворларининг ички ва ташқи томонларини пардозлашда анчагина қимматбаҳо сув-эмульсия бўёқлари ишлатилади. «Ўзбитхимпласт» ишлаб чиқариш бирлашмасининг илмий-тадқиқот бўлими ходимлари пахта тозалаш заводларининг толасимон чиқиндиларидан органик силикат бўёқ яратдилар. Линт ва пахта толаси ўрнига каноп чиқиндиларидан, шунингдек лигнин, қипиқ ва бошқа ўсимлик чиқиндиларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Бундай бўёқни саноат корхоналарида ҳам, марказлашган ҳолда бевосита қуриқлиш майдончаларида ҳам олиш мумкин. Янгиликни қўлланиш бир тонна эмульсия бўёғи ишлатилганига нисбатан 400 сўмга яқин иқтисодий самара беради.

АСФАЛЬТНИНГ ҲАРОРАТИ ҚАНДАЙ ЎЛЧАНАДИ?

Технология қоидалари асфальт-битум қоришмаси иссиқлигини назорат қилиб боришни тақозо этади. Шу пайтгача бунинг учун симобли термометр қўлланиб келинарди. «Главташкентстрой»нинг «Оргтехстрой» трести мутахассислари юк машинасига ортилган қоришма ҳароратини билиш учун махсус ўлчагич яратдилар.

Маълумки, машина объектга жўнаш олдидан албатта тортиб кўрилади. Эндиликда шу иш асосида янги ўлчагич ёрдамида бир йўла қоришма ҳарорати ҳам ўлчанмоқда.

(ЎзНИИНТИ материаллари асосида).

СПОРТ



ОЛИМПИАДА АРАФАСИДА

Яна бир ҳафтадан кейин Москва Олимпиадасида иштиро:: этувчи 560 нафарли совет терма командасини саралаш ниҳоясига етади. Грециянинг қадимий Олимпия қишлоғида ўт олдирилган машъалани Москвага қўлма-қўл узатиш эстафетаси эса давом этмоқда. Афина, София шаҳарларида Олимпиада машъаласини тантанали нутиб олиш маросимлари бўлиб ўтди. Бугун Олимпиада машъаласи Руминияга олиб ўтилади. Суратларда: (чапдан) Олимпиада машъаласини мамлакатимизда иккинчи бўлиб чорлашга ҳозирлик кўраётган украин қизлари. Моҳир камончилар — Л. Шикота, Н. Бутузова, О. Рогова, Б. Исаченко, К. Лосаберидзе, А. Аулов, В. Максимов ва В. Ешеевлар. Пастдаги суратларда: ядро улоқтириш бўйича жаҳон рекордчиси И. Слуплянек (ГДР) билан қисқа масофага югуриш устаси Л. Кондратьева (СССР)

ТАСС фотохроникаси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИДА

КЕНГ ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ — ХАЛҚҚА

Ўзбекистон енгил саноати ўнинчи беш йиллик мобайнида катта ютуқларни қўлга киритди. Шу йиллар мобайнида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш анча ўсди, сифати яхшиланди. 1976 йили 52,2 миллион сўмлик маҳсулот давлат Сифат белгиси билан тайёрланган бўлса, 1979 йилда 225,5 миллион сўмлик Сифат белгили маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. 1980 йил охиригача эса 409,7 миллион сўмлик маҳсулот олий сифат категориясида ишлаб чиқарилади.

Кенг истеъмол буюмларининг зарур турлари, жумладан болалар учун товарлар ишлаб чиқариш плани ортиғи билан бажарилди. Унинг ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили дастлабки беш йиллик топшириқлари муддатидан анча олдин бажарилди. Планга қўшимча 23 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Эришилган бу муваффақиятларда вақтдан ўзиб фидокорона меҳнат қилаётган машъал ишчилар, ишда жонкуярлик қиладиган инженер-техникларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Корхоналарда меҳнат қилаётган ишчилардан 22 минг нафари ўнинчи беш йиллик шахсий планини муддатидан олдин бажарди. Уларнинг сафи тобора ортиб бормоқда.

«Юқори сифат деганда меҳнат ва моддий ресурсларни тежаш, экспорт имкониятларини қўпайтириш, пировард натижада эса жамият эҳтиёжларини яхшироқ, аниқ тўлароқ қондириш маъносини тушунмоқ керак», деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев. Енгил саноат корхоналарида маҳсулот сифатини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Кўпгина корхоналарда сифатни бошқаришнинг комплекс системаси самарали ишлаб турибди.

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг тематик цавильонида «Ўзбекистон ССР енгил саноат корхоналарида маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системасини татбиқ этиш» деган мавзуда очилган кўргазма енгил саноат корхоналарининг бу борада эришган ютуқларини намойиш этади.

Ўзбекистон Компартияси ва Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида бундай комплекс системанинг татбиқ этилишини акс эттирувчи электрлаштирилган карта кўргазмадан алоҳида ўрин олган. Бу корхонада маҳсулот сифатини ошириш борасида эришилган ютуқлар салмоқли. Корхонада ишлаб чиқаришни бошқаришнинг автоматик системаси самарали ишлаб турибди. Сифатни бошқаришнинг комплекс системаси маҳсулот сифатини оширишга катта ҳисса қўшяпти. Корхонада социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган. 56 участка, 32 та цех, 2 мингдан ортиқ ишчи бу мусобақада актив қатнашмоқда.

Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида амалга оширилаётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Илғор ишчилардан М. Зокирова, Р. Бойбекова снигари кўплаб меҳнат зарбдорлари смена топшириқларини 140—150 процентга бажаришяпти. Корхонанинг пешқадам ишчиси Шоира Холмуҳамедова «Ўнлар ташаббуси»нинг ижодкорларидан бири. У 1983 йилнинг сўнги ойлари ҳисобига ишламоқда.

Тошкент тўқимачилик комбинатида ҳам «Янгилик» индекси билан кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Тўқувчи Н. В. Ершова тўққиз йиллик планни бажариб қўйди. Марғилондаги «Атлас» аврли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси М. Қорабоев, Марғилон шойи газламалар комбинатининг ишчиси З. Нурматова ўз план-топшириқларини бажаришда анча илгарилаб кетишди. «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам катта муваффақиятлар қўлга киритилди.

Кўргазмага қўйилган экспонатлар орасида Тошкент, Фарғона, Янгиўл пойафзал фабрикаларида тайёрланган маҳсулот намуналари ҳам бор.

Енгил саноат корхоналари «Олимпиада — 80» белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқариш ярим йиллик планини ортиғи билан бажаришди. «Янгилик» индексли аъло сифатли замонавий маҳсулотлар тайёрлаш планлари ҳам ортиғи билан ado этилмоқда. Кўргазмада намойиш этилаётган рақамлар, фотосуратлар, маълумотлар Ўзбекистон енгил саноатчиларининг ютуқларини кўз-кўз қиляпти. Кўргазма томошабинларда яхши таассурот қолдирмоқда.

Ю. ЗИЕДОВ.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

БИНОКОРЛАР АҲДИ

Фарғона «Облколхозстрой» трестининг Олтиариқ колхозлараро кўчма механизациялашган колоннаси коллективи партия XXV съезди қарорларини муваффақиятли амалга ошира бориб, ўнинчи беш йиллик план топшириқларини барвақт бажарди. Ўтган давр ичида бош пудрат бўйича 11,536 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Бу планга нисбатан анча кўпдир.

Бунёдкорлар беш йиллик бошидан буён 9636 квадрат метр турар жой биноларини, 3472 ўринли мактаб, 990 нафар кичкинтой учун боғча, 120 ўринли касалхона, клуб, поликлиника, чорвачилик комплекси, паррандахона сингари кўплаб объектларни ишга туширдилар.

КПСС XXVI ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездларини янги меҳнат зафарлари билан кутиб олишга бел боғлаган қурувчилар шу йилнинг 7 ноябрига қадар яна 1.350 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга, 1500 квадрат метр кооператив уй-жойларни фойдаланишга топширишга аҳд қилдилар.

О. ЗОКИРОВ.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Пайариқ район маҳаллий саноат корхонасининг қуввати йил сайин ошиб бораяпти. Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари кўпайиб, сифат ҳам яхшиланмоқда. Ҳозир фабриканинг қандолатчилик, бичиш-тикиш, гилам тўқиш цехлари, Иштихон ва Булунғур районларида қандолатчилик филиаллари ишлаб турибди. Беш йиллик планни тўрт йилдаёқ ошириб уддалаган корхона коллективи якунловчи йилда 1 миллион 600 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашга қарор қилган. Олти ойлик топшириқлар барвақт бажарилиб, 750.300 сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Н. Ярашов, Қ. Холмаматов, Т. Назарова, М. Исмоилова, Ҳ. Низомова сингари илғор ишчилар 1983 йил ҳисобига иш бошладилар.

КПССнинг бўлажак XXVI съездига муносиб меҳнат совғалари ҳозирлашга аҳд қилган фабрика коллективи йиллик топшириқларни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги — 7 ноябрга қадар бажаришга сўз бердилар.

А. УМАРОВ.

* * *

Шунингдек, фарғоналик **С. Нишонбоев, М. Маҳмудов,** наманганлик **Қ. Тўраев, Ш. Нишонов,** самарқандлик **А. Муҳаммадиев, Ж. Ҳайдаров, И. Александров, Э. Латипов** ва бошқа ўрточлар ҳам саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларида мусобақада қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида хат-хабарлар йўллашган.

МОСКВА МЕҲМОНЛАРНИ КУТМОҚДА

Туристик экскурсия ташкилотининг йўлланмаси билан Олимпиада—80 га борадиган ҳар бир совет туристи спорт мусобақаларига берилган билет билан бирга санъат коллективлари ва усталарининг концерт программасига, Москвада Олимпиада ўйинлари ўтказиладиган жойлар бўйлаб саёҳатномага ҳам эга бўлади.

Туризм ва экскурсия марказий советида ТАСС мухбирига хабар беришларича, бу катта байрамга мамлакатнинг барча қардош республикалари, ўлка ва областларидан салкам 60 минг спорт мухлислари келади. Пойтахт уларни кутиб олишга тайёр.

Туристларни меҳмонхоналар, шунингдек шинам студентлар ётоқхоналари кутмоқда. Москва бўйлаб саёҳат қилишлари учун жуда кўп автобуслар ва енгил машиналар ажратилган. Ошхона ва кафелар тайёрлаб қўйилган.

Пойтахт диққатга сазовор жойларга бой. 24 та экскурсия маршрути пойтахт тарихи, унинг бугунги куни билан таништиради. Булар орасида «Москва — СССР пойтахти, XXII Олимпиада ўйинлари пойтахти», «Москва Кремли», «СССР Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси», «Москванинг теплоходдан кўриниши» маршрутлари бор. Экскурсияларни ўтказиш учун 1200 га яқин экскурсия раҳбари белгилаб қўйилди.

Туристлар музейлар ва тасвирий санъат кўргазмалари билан танишадилар. Улар театрларда, концерт залларида бўладилар. Москва боғларида, майдонлари ва кўчаларида ўтказиладиган оммавий байрамларда, баллар ва карнавалларда қатнашадилар. Меҳмонлар спортчилар, ғаданият ва санъат арбоблари билан учрашадилар. Туристлар спорт байрамидан хотира сифатида ўзлари билан Олимпиада ёдгорликларини олиб кетадилар. 500 хилдан зиёд значок ва ёдгорлик медаллари, юз мингдаб Олимпиада рамзи туширилган буюмлар тайёрланди.

Бўлажак ўйинларга бағишлаб открткалар ва плакатлар чиқарилди. «Турист» марказий реклама-информация бюросининг ўзи бундай открткалардан 3 миллион нусхага яқинини тайёрлади.

«Олимпиадага хуш келибсиз!» — плакатлардан биридаги бу сўзлар бутун москваликларнинг ҳис-туйғуларини ифодалайди.

А. СИВЦОВ,
ТАСС мухбири.
Москва.

ТУРИЗМ

ЮРГАН ДАРЁ

Редакциямизга бўйчан, қотмадан келган, мулойим юзли киши кириб келди. У ўзини Эдуард Леонович Гирчис деб таништирди. Маълум бўлишича, бу киши аслий журналистёзувчи бўлиб, махсус йўлланма билан мамлаката бўйлаб саёҳатга чиққан экан. Мазкур йўлланма Литва ССР Ёзувчилар союзи, республика Журналистлар союзи ҳамда Литва комсомоли Марказий Комитети томонидан берилган бўлиб, Э. Гирчис ўзининг сафари чоғида олган таассуротлари асосида саёҳатнома тарзидаги китоб ёзиш ниятида. Биз ундан ўзи ва саёҳатлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

—Узоқ йиллар мобайнида Литвада чиқадиган «Комсомолская правда» газета редакциясида мухбирлик қилганман,—деб гап бошлади Э. Гирчис.—Шаҳар-қишлоқлар бўйлаб, ўрмон ва қўшмоқлар оралаб кезишга ёшликдан ишқивозман. Бепоён Ватанимизнинг узоқ-яқин ерларига саёҳат қилишни бундан йигирма йил бурун бошлаган эдим. Илк бор уч киши—мен,Э. Якавонис ва А. Шульманс билан биргаликда «Ява» мотоциклида иттифоқчи республикалар пойтахти бўйлаб сафарга чиққан эдик. СССРнинг 40 йиллик юбилейига бағишланган ана шу саёҳатимиз туфайли «15 республика йўллари бўйлаб» номли ҳужжатли фильм ҳамда авторлигимда чоп этилган «Ўрта Осиё йўллари бўйлаб» деган китоб юзага келди. Мазкур китобда Ўрта Осиёнинг серқуёш республикалари ҳақида атрофлича фикр ва мулоҳазалар баён этилган. Айниқса, пахтакор ўлка пойтахти Тошкент, гулистонга айлантирилган Мирзачўл, «Фарҳод» совхози ҳақида ҳикоя қилинади. Ўша пайтларда мазкур совхозда «Ажойиб еттилар» деб ном олган сергайрат оғайнилларнинг қўлга киритган ютуқлари республика бўйлаб кенг ёйилган эди. Уларнинг чўл бағрида 260 гектар ер ўзлаштириб, комплекс усулда ишлов бериб, юқори ҳосил ундиришгани ҳақида илиқ гаплар айтилган.

—Мамлакатимиз бўйлаб иккинчи сафарингизни қачон бошлагансиз? Ватанимизнинг қайси ерларида бўлишни кўзлаган эдингиз?

—Биринчи сафаримни тугатиб, орадан ўн йил ўтгач, яна катта режалар билан йўлга чиқишга тўғри келди. Бу гал 80 минг километрли йўлни 1,5 йил мобайнида босиб ўтишим лозим эди. Олдиндан келишилган шартга кўра саёҳатим мобайнида пиёда юришга, велосипед ҳайдашга, қолаверса транспортнинг исталган хилидан фойдаланишга рухсат берилган эди. Шу боисдан 1971 йилнинг 31 июлидан бошланган саёҳат кезлари ер, ҳаво ва сув йўлларидан юришга тўғри келди. Бепоён Ватанимизнинг энг олис бурчакларида бўлдим. Мурманск, Термиз, Курил оролари, Беринг бўғози, ҳатто улкан «Ленин» музёрар кемаси лангар ташлаб турганини ўз кўзим билан кўрганман.

Сафар чоғида йўл очеркларидан, репортажлар ёзишга тўғри келди. Озарбайжонда ва Ўзбекистонда қизиқ тақдирли кишилар билан учрашдим. Чунончи, Шерали Муслимов ҳаётлигида, 167 баҳорни кўрган чоғида суҳбатини олганман. Иккинчи сафарим охирида «Йўлдаги учрашувлар» номли китобни ёзиб тугатдим. Бу китоб Москвадаги «Детская литература» нашриётига топширилган. Китоб 1982 йили босмадан чиқади.

—Бу галги саёҳатингизда қаерларда бўлмоқчисиз? Бўлажак китобингизга нималарни киритишни назарда тутгансиз?

—Учинчи сафарим бўйича ҳам катта режаларим мўлжаллаганман. Галдаги саёҳатим СССРнинг 60 йиллик юбилейига бағишланган бўлиб, «15 опа-сингиллар ҳузурида меҳмонда» деб аталади. Ана шу номдаги китобнинг биринчи қисмини 1982 йилнинг декабрида ёзиб битириш кўзда тутилган. Галдаги сафарим икки босқичдан иборат. Биринчиси, шу йилнинг апрелидан ноябригача давом этиб, «Иртишдан Неманга» деб аталади.

Бу йил Вильнюс—Олмаота — Фрунзе—Душанба—Тошкент — Ашхобод — Боку — Ереван — Тбилиси — Кишинёв — Киев — Минск —Рига — Таллин — Вильнюс шаҳарларида бўлишим лозим. Катта саёҳатимнинг иккинчи босқичи 1984 йили бошланиб, бир йил давом этади. Бунда мен Россия, Чукотка, Камчатка томонларида бўлиб, қайтишда Ўрта Осиёга кириб ўтишни ўйлаб юрибман. Сирасини айтсам, республикангиз пойтахтида учинчи бор бўлишим. Лекин эътироф этишим керак: тинчлик, дўстлик, қардошлик шаҳри Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Шаҳарни 1966 йилги ер қимирлашдан аввал ҳам кўрганман. Ўша даврдаги эски Тошкент билан бугунги замонавий кўркам шаҳарни қиёслаганг, турмуш тарзимизнинг нечоғли улуғвор эканини қалбдан ҳис этасан, киши.

Умуман мен қаерда бўлмай, совет кишиларининг ғайрат-шижоати, саховати, Ватанга бўлган меҳр-муҳаббати, қўлни-қўлга бериб собиқадамлик билан бунёдкорлик ишларини амалга оширишаётгани, қолаверса, партия иши билан халқ ишининг узвий бирлигининг шоҳиди бўлдим.

Ҳ. НОСИРОВ.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СССР Темир йўллар министрлиги
ХОВОС ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ТЕХНИКУМИ
1980—81 ўқув йили учун
қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Темир йўлларни эксплуатация қилиш, тепловоз хўжалиги.

Ариза техникум директори номига берилади ва қуйидаги ҳужжатлар билан бирга топширилади: ўрта маълумоти тўғрисидаги аттестат ёки шаҳодатнома (асли), автобиография (таржимаи ҳоли), иш ёки ўқиш жойидан характеристика, медицина справкаси (286-форма), 4 дона 3х4 см. ҳажмидаги фотосурат, турар жойидан ва иш жойидан справка, меҳнат дафтарчасининг копияси, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома копияси.

Паспорт ва ҳарбий билет (ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома) **шахсан кўрсатилади.**

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача ўтказилади.

Техникумга қабул қилинганлар стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқувчиларга қуйидаги имтиёзлар берилади: йилига бир марта Совет Иттифоқининг исталган жойига бориб-келиш учун Темир йўл транспортига бепул билет ва ўқиш давомида икки марта бепул кийим-кечак.

Техникумга киришда 8-синфни битирганлар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар: рус тили (диктант), математика (оғзаки); 10-синфни битирганлар эса қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар: рус тили ва адабиёти (ёзма), математика (оғзаки).

Рус тилини миллий ўрта мактаб программаси бўйича ўқиганлар рус тилидан диктант ёзадилар.

Ўқиш муддати 8-синфни битирганлар учун 3 йилу 10 ой, 10-синфни битирганлар учун эса 2 йилу 6 ой.

Ҳужжатлар қуйидаги адресда қабул қилинади: Сирдарё область, Ховос станцияси, Ҳамза массиви, Темир йўл транспорти техникуми.

Ўзбекистон ССР Таълим министрлигининг
ТОШКЕНТ ТЕХНОЛОГИЯ БИЛИМ ЮРТИ
1980—81 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги касблар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлайди: ун ва ем-хашаклар қоришмасини ишлаб чиқариш корхоналари учун мутахассислар, ускуналар ремонти бўйича слесарлар, тунукасоз мастерлар, дон маҳсулотлари сифатини аниқловчи лаборантлар.

17 ёшдан ошган ва 8—10 синф ҳужжатларини маълумотга эга бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 3 ой. Қабул қилинганлар 25 сўм миқдорида стипендия ва уч маҳал бепул овқат билан таъминланадилар.

Совет Армиясидан бўшаб келганлар эса 60 сўм стипендия оладилар.

Билим юртини аъло баҳоларда тамомлаганларга ўрта махсус ва олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун йўлланмалар берилади. Билим юртида ҳар хил тўгаракларда ва спорт секциялари ишлайди.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқиш — 1 октябрдан бошланади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: туғилганлик тўғрисида гувоҳнома, маълумоти ҳақида ҳужжат, турар жойидан справка, мактабдан характеристика, 286-формали медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмдаги 3 та фотосурат.

Ҳужжатлар душанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, 2-Сельмаш проезди, 15-уй (13-трамвай, 4, 8, 10, 15, 16, 20, 21, 23, 48, 72, 80-автобусларнинг «Ташселмаш» бекати. Телефонлар: 66-01-16, 66-92-26.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИНИНГ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Республика шаҳарлараро телефон станцияси квартирадаги телефонлардан кредитга шаҳарлараро телефон орқали гаплашиш ҳисобидан китоб қилиш тўғрисидаги қоидани маълум қилади

Якка тартибдаги фойдаланиладиган телефони бўлган абонент ўз телефонидан шаҳарлараро телефон орқали гаплашилганлиги учун тўлиқ ҳисобидан китоб қилиш тўғрисидаги ариза билан ўз телефонидан шаҳарлараро телефонда кредитга гаплашганлиги учун ҳақ ўтказилиши ва ҳисобдан ўчирилиши ҳақида ариза ёзиб, ариза ва ҳисобдаги маълумотлар ва ҳисобдаги маблағ ҳисобидан ўчирилиши ҳақидаги ариза